БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 158

18 СЕНТЯБРЬ ШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Пахта йиғим-теримида коммунист ва комсомолларнинг авангардлигини та'минлайлик

Партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги қарорларини бажариб, қишлоқ меҳнаткашлари қўрқ ва бўз ерларни ўзлаштирмоқдалар, экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бу йил областимизнинг колхозчилари, совхоз ишчилари ва механизаторлари пахта ҳосилини ошириш учун баҳор ва ёз ойларида зўр уюшқоқлик кўрсатдилар. Об-ҳаво ноқулай келганлигига қарамай, ер ҳайдаш ва чигит экиш муваффақиятли ўтказилди, ғўза парвариши юксак агротехника блан ўтказилди ва социалистик мажбуриятимизнинг шараф блан бажарилишини та'минлайдиган даражада мўл ҳосил тўпланди.

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг бутун даврида коммунист ва комсомоллар колхозчилар, совхоз ва МТС ишчиларининг олдинги сафида бордилар. Улар партиямизнинг қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш тўғрисидаги қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашиб пахтадан ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришда ўзларининг фидокорона меҳнатлари блан барча колхозчилар, совхоз ва МТС ишчиларига ўрнак бўлдилар.

Мана энди кўп тер тўкиб, етиштирилган мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш фурсати келди. Эндиликда ана шу мўл ҳосилни нобуд қилмасдан, қисқа муддатда йиғиб олиш — барча колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторларимизнинг ватанпарварлик бурчидир.

Пахта йиғим-терининг дастлабки кунлари кўрсатдики, йиғим-терим ишларига партия ташкилотлари яқиндан ва пахта рақбарлик қилаётган жойларда, коммунист ва комсомоллар ишда ўрнак кўрсатиб, колхозчилар оммасини фидокорона меҳнатга сафарбар этаётган жойларда дала ишлари муваффақиятли давом этмоқда.

Оққўрғон район Алимкент қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхоз бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Ўзбекистон колхозларида ва совхозларида 1954 йилги пахта ҳосилиниериш ва тайёрлаш тўғрисида»ги қарорини колхозчиларга яхши тушунтириб, йиғим-теримга пахта тайёргарлик блан киришди. Бу партия ташкилоти йиғим-терим даврида колхозчи ва механизаторлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-оммавий ишларнинг планини тузиб, агитколлектив составини қайтадан мустаҳкамлади, коммунист ва комсомоллари ҳал этучи участкаларга биркитди. Колхоз ишлабчиқаришида коммунистларнинг авангардлик роли яққол сезилмоқда. Ҳозирданоқ бу колхоз йиллик планнинг 15 проценти миқдорида пахта топширди. Коммунист ўртоқ Мутал Қаюмов бошлиқ бригада пахта тайёрлашда биринчи ўринда бормоқда. Колхоз партия ташкилоти теримчилар ўртасида социалистик мусобақани қизитиб юборди. Ҳилол Маматова, Матон Исоев, Мастура Эржигитова каби комсомолдар терим нормасини 3 — 4 ҳисса ошириб бажармоқдалар. Янгийўл районидаги Маленков ва Ленин номли колхозларда юзларча коммунист ва комсомоллар этак тутиб, бевосита пахта термоқдалар.

Бу йил областимизда 200 минг тонна пахта машиналар блан терилиши керак. Кўп МТСлар терим машиналарини ремонтдан чиқариб, ишга тахт қилиб қўйдилар. Верхне-волинск районида машина блан пахта териш бошланди. Ўртоқ Ўринбой Солиев бошчилигидаги бригада 6 машина блан Куйбишев номли колхозда бир кунда 10 тонна пахта терди.

Бироқ, айрим колхоз ва совхоз партия ташкилотлари пахта йиғим-терининг уюшқоқлик блан ўтказиш, теримчилар ва механизаторлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб юборишга ҳаракат қилмаётирлар.

Пискент районидаги Андреев номли, Карл Маркс номли колхоз партия ташкилотлари пахта йиғим-теримида коммунист ва комсомолларнинг авангардлигини та'минлаш учун ташкилотчилик кўрсатмаётирлар. Бу колхозларда этак тутиб, бевосита пахта тераётган партия а'золарини учратиб бўлмайди. Карл Маркс номли колхозда эса дала шийпонлари ҳалигача безатилмаган, агитаторлар сони кўпайтирилмаган. Бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Қорабоев колхозчилар ўртасида агитация-пропаганда ишларини кучайтириш, социалистик мусобақани қизитиб юориш ўрнига нуқул хўжаликка оид ишлар блан вақт ўтказмоқдалар. Пискент районининг 2-нчи МТС зонаси бўйича секретари ўртоқ Усмонов эса колхоз бошланғич партия ташкилотларининг ишчанлигини ошириш, колхоз ишлабчиқаришида коммунист ва комсомолларнинг авангардлигини та'минлаш учун тегишли фаолият кўрсатмаётир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг колхоз ва совхозларда 1954 йилги пахта ҳосилиниериш ва тайёрлаш тўғрисидаги қарорида партия ташкилотларига йиғим-теримга тайёргарлик ишларини тезда тамомлаш блан бирга, йиғим-терим даврида колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида оммавий-агитация ва пропаганда ишларини кучайтириб юориш вазифаси юкланган.

Пахта йиғим-терими тобора қизғин тусга кираётган ҳозирги кунларда қишлоқ коммунистлари ва комсомоллари ҳарқачонгидан ҳам зўр ғайрат блан ишлашлари лозим. Коммунист ва комсомоллар ўзлари меҳнатда ўрнак бўлиш блан бирга, колхозчилар ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақанинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлишлари керак. Колхоз ва совхозлардаги теримчилар ўртасида мавсумда 10 — 15 минг килограмм пахта териш учун оммавий ҳаракат бошланди. Пахта териш машиналарида ишловчи жуда кўп механик-ҳайдовчилар 80 — 100 тонна ва ундан ортиқ пахта теріб беришга аҳд қилмоқдалар. Бу ватанпарварлик ҳаракатини янада қизитиб юориш коммунист ва комсомолларнинг шарафли бурчидир.

Коммунист ва комсомол ўзи ишлаётган звено, бригада, колхоз ва совхознинг иши учун биринчи галда жавобгардир. Коммунист ишлаётган участкада қолоқлик, интизомсизлик рўй берса, бунинг учун ҳаммадан олдин унга гап тегади. Коммунист ғайратли ва ташаббускор бўлиши, ўзига топширилган ишни намунали бажариши, интизомда ҳаммага ўрнак кўрсатиши ва фаолияти блан бошқаларни ўз ортидан эргаштириши керак.

Коммунист партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини амалга оширишда жанговар курашчи бўлиши, энг яхши ташкилотчи ва агитатор сифатида амалий иши ва ўткур сўзи блан оммани ишлабчиқариш муваффақиятига сафарбар этиши керак. Коммунист камчиликларга нисбатан муросасиз бўлмоғи, интизомсизлик, дангасаликка қарши шафқатсиз курашмоғи лозим.

Колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари, ҳарбир коммунист ва комсомол қишлоқ хўжалигининг энг мас'улиятли пайти — йиғим-терим даврида оммани ташкилотчиси, авангарди сифатида зўр ғайрат блан ишлаб, жонажон Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаши, партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги қарорини муваффақиятли амалга оширишга тегишли ҳисса қўшиши лозим.

Пахта йиғим-терими сур'атини тобора кучайтирайлик! Колхоз ва совхоз ишлабчиқаришида коммунист ва комсомолларнинг авангардлик ролини та'минлайлик!

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИГА ЖУНАБ КЕТДИЛАР

Тошкент темир йўли совхозларининг ходимларидан бир группаси Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига жўнаб кетди.

Йўлнинг совхозлари ўтган йилда ишлаб чиқаришда юксак кўрсатгичларга эришдилар. Сигир соғучилардан И. Якова, Е. Денисова, Д. Затямина, А. Капитонова ва бошқалар меҳнатда эришган муваффақиятлари учун виставка қатнашчилари қилиб тасдиқланди. Улар ўзларига биркитиб қўйилган сигирлардан йилига 3—4 минг литр сут соғиб олмоқдалар. Чўпон Б. Ойтўғонов, чорвадорлар бригадасининг бошлиғи А. Баранов ва бошқалар ҳам виставкага қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. (ЎзТАГ).

Н. ШУРОВ 2000 КИЛОГРАММ ПАХТА ТЕРДИ

ЎРТАЧИРЧИҚ (**телефон орқали**). Ўртачирчиқ район «Ленин йўли» колхозида хизмат қилаётган Виктор Мальцев бошлиқ трактор бригадасининг механик-ҳайдовчиси Николай Шуров СХМ—48—М машинаси блан 16 сентябрьда 600 килограмм, 17 сентябрьда 2000 килограмм пахта терди.

Шу бригаданинг ўтган йили бутун мавсумда 73 тонна пахта теріб берган механик-ҳайдовчиси Қўчқор Ашуров 16 сентябрьда 600 килограмм, 17 сентябрьда 1800 килограмм пахта терди.

Н. Шуров ва Қ. Ашуров ўртоқлар мавсумда 100 тонна пахта теріб бериш мажбуриятини олганлар. Улар ўз мажбуриятларини шараф блан бажариш учун теримнинг биринчи кунларидан бошлабоқ астойдил меҳнат қилмоқдалар.

С. САЙДХЎЖАЕВ.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 17 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Гулистон	1,04	10,16	Оққўрғон	0,74	5,49
Мирзачўл	0,96	9,61	Бўка	0,69	5,15
Сирдар'ё	0,93	8,96	Оржоникидзе	0,91	5,06
Верхне-волинск	0,93	7,92	Ўртачирчиқ	0,57	4,57
Калинин	0,79	7,38	Октябрь	0,35	3,90
Пискент	0,70	6,67	Ўртасарой	0,24	3,84
Чиноз	0,90	6,38	Оҳангарон	0,47	3,61
Бекобод	0,82	6,24	Янгийўл	0,60	3,22
Юқоричирчиқ	0,62	6,19	Қуйичирчиқ	0,57	2,73
Ховос	0,76	6,13	Паркент	0,17	0,67

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

АҲДИДА МУСТАҲКАМ КОЛЛЕКТИВ

Навбатчиликка ўтиш олдидан, пассажир вагонларини жорий ремонт қилиш цехининг смена мастери Самойлов ўз коллективини қилинадиган ишлар блан таништирди.

— Бугун бизнинг олдимизда 8 та вагонни ремонт қилиш базифаси турипти. Қиладиган ишимиз жуда кўп: 5 та ғилдиракни олишимиз, 4 та янги букс, 2 та юмшатучи аппарат ва 2 та рессор қўйишимиз керак. Бундан ташқари яна бирнеча яроқсиз қисмларни олмаштирамиз. Ўртоқлар, шуни ёддан чиқармаслик керакки, республикамизнинг 30 йиллик юбилейи шарафига вагонларни составдан ажратиб олиб ремонт қилиш вақтини белгиланганидан 32 процент камайтиришдек мас'улиятли мажбурият олганмиз.

Самойлов ҳарбир бригадага иш тақсимлаб бергач, домкратлар блан кўтарилган вагонларнинг ҳаракатланучи қисмларини текширишга киришди. Шу куни кечгача ҳамма ремонтчилар зўр ғайрат блан ишладилар. Натижада смена топшириғи белгиланган вақтдан бир соат олдин бажарилди. Бу гал ҳам, ҳаргалгидек ўртоқ Сливко бошчилик қилаётган ремонтчилар бригадасининг а'золари — слесарьлардан Горелкина, Григорьев, электрпайвандчи Спиридонов, автотормоз слесари Васяев ўртоқлар яхши натижаларга эришдилар.

Шу кунларда Тошкент темир йўл участкасининг жорий ремонт цехи коллективи юбилейолди социалистик мусобақасига қўшилиб, ўтган 15 кун ичида бузиқ вагонларни ремонт қилиш муддатини 48 процентга тезлаштирдилар.

П. ЛОБАНОВ.

ТЎҚИМАЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг фабрикаларида Улуғ Октябрьнинг 37 йиллиги шарафига мусобақа авж олмоқда. Биринчи фабриканинг иккинчи тўқув цехининг коллективи олдинда бормоқда. Бу коллектив 7 ноябрьгача ҳамма машина ускуналарни жадал ишлашга қарор қилди.

Цехда меҳнатни ташкил қилишнинг жуда такомиллашган шакллари қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда ҳарбир мастер ёрдамчиси 10кунлик оператив топшириқлар олаётирлар. Бу топшириқлар асосида ҳарбир тўқуччининг кунда бажарадиган иши планлаштирилади.

Меҳнат унумини ва машиналарнинг иш унумини ошириш учун бошланган мусобақа ижобий натижалар бермоқда. Ҳозир цехда барча станокларнинг 70 проценти ўтган ойдаги кўрсаткичдан 3 процент ортадиган тезлик блан ишлямоқда. Кунда тўқиладиган газламанинг миқдори қариб 900 метр кўпайди.

Тошкент тўқимачилари ҳарбир станокдан олинадиган маҳсулотни кўпайтириш ҳисобига кунда пландан ташқари бирнеча минг метр газлама чиқармоқдалар.

Совет Иттифоқида

СЕВАСТОПОЛЬ МУДОФААСИНИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

СЕВАСТОПОЛЬ, 15 сентябрь. (ТАСС). Қаҳрамон шаҳарда, Қора денгиз флоти корабльлари ва қисмларида 1854—55 йиллардаги Севастополь мудофаасининг шу йил октябрьда нишонланадиган юз йиллигига тайёргарлик кенгаймоқда.

Корхона ва қурилиш меҳнаткашларининг, ҳарбий денгизчиларнинг экскурсиялари қаҳрамонона мудофаанинг тарихий жойларини — Малахов қўрғонни, Л. Н. Толстой қўмондонлиги остидаги батарея жанг қилган 4-нчи бастионни, Граф пристанини, чўктирилган кемаларга қурилган ҳайкални ва бошқа жойларни бориб кўрмоқдалар.

Қора денгиз флотининг Ҳарбий-денгиз музейига келучи кишиларнинг сони сезилларли даражада кўпайди. Бу музейнинг экспонатлари рус солдатлари ва матросларининг, шонли мудофаа раҳбарлари — адмираллар Корнилов ва Нахимовларнинг қаҳрамонлигини акс этдиради.

Клубларда, қизил бурчакларда, кутубхоналарда: «Севастополь — рус шуҳрати шаҳридир», «Улуғ Ватан уруши йилларида Севастопольнинг қаҳрамонона мудофаасн», «Севастополь бадиий адабиётда» деган темаларда лекциялар ўқилмоқда. Бадиий ҳаваскорлар коллективлари ҳам рус ҳарбий шуҳрати байрамига тайёрланмоқдалар. «Севастополь мудофаасн» панорамасини тиклаш ишлари тамом бўлмоқда.



Янги Коховка. Коховка гидроузели қурилишининг бинокорлари гидроэлектростанциянинг биринчи турбиналарини монтаж қилишга киришдилар. **Суратда:** Каховка ГЭСига биринчи турбин статорларининг ўрнатилиши.

Ю. Лихута фотоси (ТАСС фотохроникаси).

М. КОЦЮБИНСКИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА ДОИР

ХАРЬКОВ. Отоқли Украин ёзучиси Михаил Михайлович Коцюбинскийнинг ижоди Украинада жуда машҳурдир.

Украина ССР Китоб палатаси ёзучи туғилган кунинг 17 сентябрьда бўладиган тўқсон йиллигига республикада 1917 йилдан бошлаб унинг асарларининг нашр этилиши ва тарқалишини якунлади.

Совет ҳокимияти йилларида М. М. Коцюбинскийнинг асарлари жам'и 4.975 минг нусхада 263 марта нашр этилган. Ёзучи асарларининг тўла тўплами бирнеча марта босилиб чиққан. 28 том сайланма асарлар нашр этилган. Уларнинг умумий тиражи ярим миллион нусхадан ортиқдир. «Тугилган кунга совга», «У, келаётир», «Кулги» номли новеллалар, «Фита моргана» номли повесть ва бошқа асарлар катта тираж блан кўп марта босилиб чиқди.

Шу йилнинг ўзидагина Украина ССР Давлат бадиий адабиёти нашриёти «Повесть ва ҳикоялар» тўпламини ўттиз минг нусха тираж блан нашр этди.

Ҳозир шаҳардаги маданият саройларида, клубларда ва кутубхоналарда ёзучининг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб вистаркалари очилган.

ЧЕРНИГОВ. Черниговдаги М. М. Коцюбинский Давлат адабий-хотира музейига шу кунларда айниқса кўп киши келмоқда. Улар музей экспонатларини қизиқиб тамоша қилмоқдалар. Кўпгина ҳужжатлар ёзучини рус адабиётининг тарафдори сифатида тасвирлайди. «Волинь» газетасининг фотокопияси э'тиборни ўзига жалб этади. Ёзучи бу газетада икки қардош адабиётнинг бирлиги тўғрисида ёзган.

Стендларга Коцюбинскийнинг Горький блан бўлган катта дўстлигини кўрсатадиган материаллар қўйилган.

Юбилей муносабати блан музей Коцюбинскийнинг СССР халқлари ва чет эллар—Польша, Чехословакия, Руминия, Германия Демократик Республикаси халқлари тилларида нашр этилган китобларини олди.

15 сентябрь. (ТАСС).

ҚОЗОҒИСТОНДА 11.800 МИНГ ГЕКТАР ҚУРИҚ ВА БЎЗ ЕРЛАР ТАНЛАНДИ

ОЛМАОТА, 15 сентябрь. (ТАСС). Қозоғистон ССР қишлоқ хўжалик ва совхозлар министрликларида қўриқ ва бўз ерларнинг янги массивларини аниқлайдиган ер тузиш экспедицияларининг иш натижалари якунланди. Ёз даврида республика территориясида 65 миллион гектардан ортиқ қишлоқ хўжалик майдонлари текширилди. Бундан экин экиш учун яроқли 11.800 минг гектар қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштириш учун танлаб олинди.

Танланган массивларни колхоз ва совхозларга натурада ажратиб бериш ишлари бошланди. Акмолинск областининг энг йирик районларидан бири бўлган ва 32 минг квадрат километр территорияга жойлашган Есиль районида ўтган қишда атиги тўртта чорвачилик совхози бор эди. Кўклам даврида бу районда ўнбир янги дон совхози ташкил қилинди. Ҳозир бу районда яна 36 та дон совхози ташкил қилинмоқда. Совхозлардан ҳарбири камида 20 минг гектар майдонга эга бўлади. Бу йил ташкил этилган совхозлардан ташқари республиканинг Кустаной, Кокчетов, Шимолий Қозоғистон, Қорағанда ва бошқа областьларидаги қўриқ ерларда ҳам янги дон совхозлари ташкил этилади.

Янги қўриқ ва бўз ер массивларини текшириш ва аниқлаш ишлари давом этмоқда.

УКРАИНА ПОЙТАХТИДА ҲИНД САН'АТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ

КИЕВ, 15 сентябрь. (ТАСС). Кеча Ҳиндистон республикаси сан'ат усталарининг биринчи концерти бўлди. Ҳинд артистларининг концерти бўлган Т. Г. Шевченко номидаги Давлат академик опера ва балет театрига Киев корхоналарининг ишчи ва хизматчилари, фан ва маданият арбоблари, студентлар, Совет Армияси жангчилари келдилар.

Концертнинг мароқли ва хилма-хил программасида ашулачилар, музикачилар, раққослар қатнашдилар. Ҳинд раққослари киевлиларни мамлакат рақс сан'атининг ҳархил стильдаги энг яхши намуналари блан таништирдилар. Ашулачи солистлар юксак музика маданиятини кўрсатиб, киевлиларни ҳинд халқининг жозибадор ашулалари блан таништирдилар.

Классик ва халқ чалғу асбоблари — саранги, табламридангам, басури, дхолак, танпура ва бошқа чолғу асбобларида ажойиб жўр қилиш Ҳинд артистларининг муваффақиятига ёрдам берди.

Ҳинд артистларининг Киевдаги биринчи концерти гоят катта муваффақият блан ўтди. Бу концерт Ҳиндистоннинг улуғ тинчликсевар халқининг ёрқин, гўзал сан'атини намойиш қилди. Тамошабинларнинг артистларни гулдурос қарсаклар блан кутиб олганликлари совет кишиларининг ҳинд халқига бўлган самимий ҳурмати ва хайрихоҳлигини ифода этди.

БЕЛОРУССИЯ СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИНИНГ УЧИНЧИ С'ЕЗДИ

МИНСК, 16 сентябрь. (ТАСС). Кеча Минскда Белоруссия Совет ёзучилари союзининг учинчи с'езди ўз ишини бошлади. С'ездни Белоруссия шоири Якуб Колас очди.

Белоруссия ССР Совет ёзучилари союзи правлениесининг раиси П. У. Бровка «Белоруссия ССР ёзучиларининг иккинчи с'ездидан учинчи с'ездигача ўтган давр ичида белорус адабиёти» деган темада доклад қилди.

Докладчи ёзучиларнинг биринчи Бутуниттифоқ с'ездидан бери ўтган йигирма йил ичида белорус совет адабиёти ўсганлигини ва совет адабиётимизнинг илгор отрядларидан бири бўлиб қолганлигини та'кидлади. Белорус ёзучиларининг китоблари Ватанимиздаги деярлик ҳамма халқларнинг тилларида босилиб чиқди. Белоруссия адабиётининг энг яхши асарлари хитой, немис, поляк, чех, румин, венгер тилларида нашр этилди.

Белоруссиянинг кўпгина шоирлари, ёзучилари, драматурглари ва танқидчилари кейинги йилларда ўзларининг ғоявий-сиёсий савияларини анча оширдилар.

Ўртоқ Бровка Белоруссия Совет ёзучилари союзининг ишига муфассал тўхталиб ўтди, белорус шоирлари ва ёзучиларининг ба'зи йирик асарларини таҳлил қилди.

С'езд ишида Москва, Украина, Литва, Ўзбекистон, Латвия ва бошқа республикаларнинг ёзучилари иштирок этмоқдалар.

Обой вафот этган кунинг 50 йиллигига бағишланган илмий сессия

ОЛМАОТА, 16 сентябрь. (ТАСС). Кеча Қозоғистон ССР Фанлар академиясида Обой Қунанбоев вафот этган кунинг 50 йиллигига бағишланган илмий сессия бўлди. Сессияда «Обой Қунанбоев — янги қозоқ адабий тилининг асосчиси», «Обой Қунанбоев қозоқ адабиётининг асосчиси», «Обой ва рус адабиёти» деган ва бошқа темаларда докладлар тинглади.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон ССР колхозлари ва совхозларида пахтани машинада теришга тайёргарлик кўришнинг қониқарсиз бораётганлиги ҳақида

Ўзбекистон ССР Марказий Комитети қайд қиладики, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги (ўртоқ Волков), Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги (ўртоқ Мангутов), кўпчилик область ижроия комитетлари ҳамда область партия комитетлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР колхозларида ва совхозларида 1954 йилги пахта ҳосилиниериш ва тайёрлаш тўғрисида» деб чиқарган қарорини қониқарсиз бажармоқдалар, оқибатда пахта йиғим-терими техникасини ўз вақтида тайёрлашни та'мин этмадилар, ғўза баргларини пахтани териш олдидан тўкиб юориш ишини кечиктирмоқдалар, пахта терадиган машиналардан унумли фойдаланишнинг асосий шарти бўлган бу энг муҳим ишнинг яхши агротехника муддатларини ўтказиб юормоқдалар, бунинг натижасида пахта териш ва уни давлатга топшириш кейинга сурилмоқда.

10 сентябрьгача республика колхозлари ва совхозларида терим олдидан ғўза баргини тўкиб юориш бори-йўғи 34 минг гектар майдондагина, ёки планга нисбатан 6,4 процент ерда ўтказилгаи, холос. Бу иш Фарғона, Андижон, Хоразм областларида ҳамда Қорақалпоғистон АССРда аниқроқ қониқарсиз ўтказилмоқда, бу жойларда ғўза баргини тўкиш ишни районлардагина бошланган. Қашқадар'ё, Сурхондар'ё ва Бухоро областьларида эса жуда кўп миқдордаги кўсаклар очилганига қарамай, ғўза баргларини тўкиш плани 14 процент атрофида бажаилган.

Кўпчилик МТСларнинг раҳбарлари колхозларда пахтани териш олдидан ғўза баргларини тўкиб юориш иши блан чинакам шуғулланмайдилар, бунинг натижасида тайёрланган 4260 ОДН машиналаридан фақат 600 таси ишга туширилган Заҳарли дорилар, химикатлар, ёнилгининг ўз вақтида ташиб олинмаганлиги ҳамда хизмат кўрсатишнинг ёмон уюштирилганлигидан самолётларнинг кўп қисми бекор туришига йўл қўйилмоқда. Сельхозснаб омборларидан ғўзаларга пуркаш учун керак бўладиган заҳарли моддалар ҳалига қадар олиб кетилмаган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети шу нарсага мутлақо йўл қўйиб бўлмайди деб ҳисоблайдики, ЎзССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари, бирқатор областьлар ва районлардаги МТС, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ғўзанинг барглари тўкишни кечиктириш мақсадида машинада териш учун ажратилган ерлардаги ғўзаларни ёппасига суғоришга йўл қўяётган колхоз раҳбарларининг бундай нотўғри ҳаракатлари блан келишучилик қилиб келадилар.

Ғўза баргларини тўкишнинг дастлабки кунларидаёқ бу ишнинг сифатсиз ўтказилаётганлиги фактлари аниқланди, чунончи, самолётларнинг пуркагич аппаратлари ер участкасининг бошидаёқ очилмайди, дори сепиш нормаларига риоя қилинмайди ҳамда дори жуда баландликдан сепилади, участкаларнинг теварак-атрофлари дориланмай қолиб кетади. ОДН машиналарининг сифатсиз ишлаш ҳоллари мавжуддир, дорилаш нормаларига риоя қилинмайди, айрим қаторлар дориланмай қолдирилади. Бу ларнинг ҳаммаси МТСлар, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари томонидан ана шу энг муҳим иш устидан контрольлик қилинмаётганлигидан далолат беради.

Республика МТСларида ҳозирга қадар ҳам 4174 та пахта териш машинаси, 1600 та пуркагич-чанглагич ОДН, 2400 та кўсак чувийдиган, совхозларда эса 643 та пахта териш машинаси, 85 та пуркагич-чанглагич ОДН ҳамда 213 та кўсак чувийдиган машина ишга тайёрланган эмас. Машиналар тўрайтирилган қатор оралари ишлаш учун жуда суст-кашлик блан мослаштирилмоқда.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳисоблайдики, ғўза баргларини тўкиш ишини ўтказишда ҳамда пахта йиғим-терими техникасини тайёрлашдаги бундай қониқарсиз аҳвол шунинг орқасида юз бердики, ЎзССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлиги, область ва районлардаги кўпчилик МТС лар, совхозлар, совет ва партия ташкилотларининг раҳбарлари КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларидан тегишли хулосалар чиқариб олмадилар, ўтган йилги хатоларни такрорламоқдалар, бу эса йиғим-теримни мураккаблаштириши, давлатга пахта топшириш муддатларининг чўзилиб кетишига ҳамда ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб бориши мумкин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари ўртоқ Волковга ҳамда Ўзбекистон ССР Совхозлар министрининг ўринбосари ўртоқ Мангутовга пахтани машинада теришга қониқарсиз раҳбарлик қилаётганликлари кўрсатилсин, улардан пахтани териш олдидан ғўза баргларини ўз вақтида тўкиб юориш ҳамда машинада пахта териш планининг сўзсиз бажарилиши учун область қишлоқ хўжалик бошқармалари, МТС ва совхоз раҳбарларининг жавобгарлигини оширишлари талаб этилсин.

2. Ғўза баргларини тўкиш, пахта йиғим-терими машиналарини тайёрлаш ишларини уюштиришга область партия комитетлари, хусусан Фарғона, Андижон, Самарқанд, Хоразм ва Қорақалпоғистон область партия комитетлари томонидан қониқарсиз раҳбарлик қилинаётгани қайд қилинсин.

Область партия комитетларининг секретарьларидан пахтанинг машинада терилиши устидан раҳбарликни қат'ий яхшилашлари, район партия комитетлари секретарьларининг, район ижроия комитетлари раисларининг, МТС ҳамда совхозлар директорларининг ва колхоз раҳбарларининг пахтани машинада теришга ўз вақтида тайёргарлик кўришдаги ҳамда пахтани машинада териш юзасидан бўладиган барча ишларни ўтказишдаги мас'улиятларини ошириш талаб қилинсин.

3. ЎзССР Қишлоқ хўжалик министрлиги (ўртоқ Волков)га, ЎзССР Совхозлар министрлиги (ўртоқ Мангутов)га, область ва район партия комитетларига, область ва район ижроия комитетларига қуйидагилар юклансин:

а) тайёрланган ҳамма пуркагич-чанглагич машиналари ҳамда самолётлар ишга солиниб, ғўза баргларини тўкиш юзасидан белгиланган иш нормаларининг ҳар куни бажарилиши та'милансин, токи бу иш 20 сентябрьдан кечикмай, Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССР да эса 25 сентябрьдан кечикмай тугатилсин;

б) йиғим-терим олдидан ғўза баргларини тўкиш учун зарур бўлган «Ўзглавсельхозснаб» омборларидаги мавжуд цианамид кальций ва кремнефтористи натрий моддаларининг ҳаммасини колхозлар ва совхозларга ташиб олиш уч кун муддат ичида тамомлансин;

в) ғўза баргларини тўкиш ишларининг сифати устидан контрольлик қилиш кучайтирилсин, шундай тартиб ўрнатилиши та'миланисинки, бунинг натижасида ишланган ҳарбир участка МТС, колхозлар ва совхозларнинг вакиллари томонидан акт блан қабул қилиб олинсин, сифатсиз қилинган ишлар эса бракка чиқарилсин ҳамда қайта ишлансин;

г) ҳамма машиналарни яқин кунлар ичида йиғим-теримга тайёрлашни тугаламоқ учун пахта йиғим-терими техникасининг ремонти сур'атларини кучайтиришга қаратилган қўшимча чоралар кўрилсин.

Пахта териш машиналарини ишлатишни кучайтириб юоришни кечиктиришга йўл қўйилмасин, шундай тартиб ўрнатилсинки, бунинг натижасида участкалар тайёр бўлиши блан пахтани машинада териш бошлаб юборилсин, токи 20—25 сентябрьдан кечикмай барча пахта териш машиналари ишга туширилсин.

4. Ўзун, Ангор, Денов, Сариосиё, Каттақўрғон, Жиззах ва бошқа районларда машинада териш учун ажратилган участкалардаги пахтани қўл блан теріб олиш фактлари юз бераётганлигини қайд қилиш блан бирга, область ва район партия комитетларидан, область ва район ижроия комитетларидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ана шу участкалардаги пахтани қўл блан теришни та'қиқлаш тўғрисидаги қарорининг сўзсиз бажарилишини та'миналшлари талаб этилсин, айбдорлар жавобгарликка тортилсин.

5. Район ва область партия комитетларига колхозлар ва совхозларга область ҳамда районлардаги партия, совет активларидан ҳар 3—5 машинага бир кишч ҳисобидан ташкилотчилар юориш мажбурияти юклансин, бу кишиларга ғўза баргларининг ўз вақтида ҳамда юқори сифатли қилиб тўкилиши ва пахта йиғим-терими техникасидан юксак унумда фойдаланишини ҳамда машинада пахта териш планининг бажарилишини та'минловчи бошқа тайёргарлик ишлари устидан контрольлик қилиш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги (ўртоқ Волков)га пахтани машинада теришга тайёргарлик кўришни тугаллашда ҳамда бу ишни ўтказишда ёрдам кўрсатиш учун область ва МТСларга мутахассислар юориш мажбуриятн юклансин.

6. «Ташсельмаш» заводининг директори ўртоқ Оттигашевга пахта териш машиналарини тўрайтирилган қатор оларида ишлашга мослаш учун узель ва қисмлар тайёрлашнинг тез кун ичида тамомланишини та'миналш мажбуриятн юклансин.

7. Республика ва область газеталарининг редакцияларига, радиолаштириш бошқармасига матбуотда ҳамда радио орқали ғўза баргларини тўкиб юориш ва ҳосилни машинада теріб олиш ишларининг боришини кенг ёритиш топширилсин.

8. Ҳосил йиғим-терими ишларини уюштиришда амалий ёрдам кўрсатиш учун республика активларидан бир группа ходимлар областьларга юборилсин.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Совхозда дала шийпонларининг ишига аҳамият берилмаётир

1-нчи «Далварзин» совхози партия ташкилоти ишчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни бўш олиб бормоқда. Дала шийпонлари оммавий агитация ишларининг марказига айлантирилмаган. Бўлимлардаги дала шийпонлари кўнгилдагидек безатилмаган. Уларда шиор, плакатлар йўқ. «Жанговар варақа»лар чиқарилиб турилмайди, радиоприёмниклар ишламайди.

Совхознинг 4 ва 5-нчи бўлимларига қарашли бригадалардаги дала шийпонлари айниқса талабга жавоб бермайди. Бу ердаги дала шийпонларида доклад ва суҳбатлар жуда кам ўтказилади. Марказий ва маҳаллий газеталар ўз вақтида келтирилмайди.

Совхоз партия ташкилоти ва унинг секретари ўртоқ Мусахўжаев дала шийпонларини безатиш ва уларни оммавий агитация ишларининг марказига айлантиришга етарлик аҳамият бермаётир. У совхознинг бўлимларида тез-тез бўлиб турса ҳам, дала шийпонларини безатиш блан шуғулланмайди. Агитаторлар блан тез-тез суҳбатлар ўтказиб турилмайди.

Ўзбекистон КП Бекобод район партия комитети совхоздаги дала шийпонларининг ишидаги бундай жиддий камчиликларни яхши билади. Аммо партия комитети ёқ камчиликларни йўқотиш чорасини кўрмаётир. Яқинда совхозга район партия комитетининг пропагандисти ўртоқ Крилов келди. У совхозда етти кун турган бўлса ҳам, дала шийпонларини яхшилаш ва агитаторлар блан семинар ўтказишдек энг муҳим ишлар блан қизиқмади.

Пахта йиғим-терими қучайиб кетаётган ҳозирги кунларда дала шийпонларини безатиш ва уларда оммавий-сиёсий ишларни қизитиб юбориш катта аҳамиятга эгадир. Совхоз партия ташкилоти ишчиларга маданий хизматни тубдан яхшилаши, дала шийпонларини қисқа вақтда безатиш ва уларда оммавий-сиёсий ишларни қучайтириб юбориши зарур.

М. УТЮШИНА.

Ташкилот иши яхшилансин

Оҳангарон шаҳридаги электромеханика устаханаси шаҳардаги энг катта устаханалардан биридир. Бу ерда шахта, кўмир разрези ва бошқа корхоналарнинг механика асбоблари ремонт қилинади. Аммо устахона ишчилари орасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар талабга жавоб бермайди. Ишчиларнинг малакасини оширишга, уларни ҳозирги замон совет техникасининг илғор ютуқлари блан таништиришга ёрдам берадиган лекция, суҳбатлар йил бошидан бери деярли ўтказилмаётир.

Устахона партия ташкилотининг секретари ўртоқ Подгорбунский ҳамма нарсани оғизда бажарадиганлардан биридир. Биз ундан партия ташкилотининг июнь, июль ойларидаги иш планларини кўрсатишни илтимос қилдик. Лекин, ўртоқ Подгорбунский «Сизларга қандай иш план керак, бизларда ҳамма ишлар яхши, деворий газеталар системали равишда чиқарилиб турилади, оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган» деб, кейинги ойлар учун иш плани йўқлигини хаспўшламоқчи бўлди.

Май ойида 2 марта партия йиғилиши ўтказиш, йиғилишда устахона касаба союз комитетининг 1954 йил биринчи кварталида қилинган ишларини муҳокама қилиш, «Ремонтник» деворий газетасининг ишини муҳокама қилиш каби муҳим масалалар планлаштирилган эди. Аммо, бу иш плани ҳам қоғозда қолиб кетган.

Партия ташкилотида партия ҳужжатларини сақлаш, взнос пулларини тўплаш ишлари тартибга солинмаган. Партия ташкилотининг йиғилишлари ҳам ўз вақтида ўтказилмайди.

Партия ташкилоти юқорида йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф қилиш тадбирларини кўриши керак.

Қ. НАВРУЗОВ,
Қ. СУВОНҚУЛОВ.

Партия ташкилоти ва социалистик мусобақа

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлабчиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисидаги қарори саноат корхоналарининг партия ташкилотлари зиммасига корхонанинг ички резервларидан фойдаланиш юзасидан катта вазифалар юклади. Бу қарор 1954—1956 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлабчиқаришни анча кўпайтиришни, жумладан консервалар ишлабчиқаришни 2,5 марта кўпайтиришни кўзда тутади.

Янгийўл консерва заводининг партия ташкилоти Ўзбекистон ССР 30 йиллиги шарафига завод коллективи томонидан маҳсулот ишлабчиқаришни кўпайтириш юзасидан олган мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун ишчи ва хизматчилар ўртасида социалистик мусобақани кенгайтириш вазифасини қўйди.

Партия йиғилишида касаба союз завод комитетининг иши муҳокама қилинганда, коммунистлар социалистик мусобақанинг яхши йўлга қўйилмагани учун завкомни ва партия бюросини қаттиқ танқид қилдилар. Партия йиғилишидан кейин активлар иштирокида завкомнинг кенгайтирилган мажлиси ўтказилди. Бунда социалистик мусобақага раҳбарлик ҳақида ишлабчиқариш—оммавий комиссиянинг ҳисоботи эшитилди. Бу йиғилишда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида цехлар ва ишчилар ўртасида мусобақа ишлари қизиб кетди. Биз ҳозир шунга эришдикки, социалистик мусобақа корхона ишчиларини сафарбар этучи кучга айланди.

Биз социалистик мусобақанинг боришини ҳар ойда якунлаймиз ва муҳокама қиламиз. Илғорларнинг тажрибаси деворий газета ва «Жанговар варақа»ларда мунтазам ёритилиб туради. Завод технология цехларида тажриба ўрганиш мактаблари ташкил этилди. Бунда ишлаб-чиқариш новаторларининг тажрибалари ҳамма ишчиларга ўргатилади.

Биз яқинда август ойида қилинган ишни якунладик. Ойлик план 100,1 процент бажарилганлиги, а'ло сортли маҳсулот чиқариш плани эса анча ошириб бажарилганлиги аниқланди.

Республиканинг шонли 30 йиллиги шарафига бағишланган мусобақада коммунист ўртоқ Ҳайдаров бошчилик қилаётган сабзавот консервалари ишлабчиқариш цехи энг илғор ўринда бормоқда. Бу цех ойлик планни 128,3 процент бажарди, а'ло сифатли маҳсулот чиқариш мажбуриятини ҳам ошириб бажарди. Шу цехнинг коммунист Қамбаров раҳбарлигидаги смена мусобақада жуда яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

Айрим ихтисосли ишчи — коммунистлар топшириқни намунали бажариб, авангард бўлмоқдалар. Коммунист ўртоқ Червоненко август топшириғини 132 процент, Қўчқоров 153 процент, Сбродова 138 процент бажардилар.

Заводимизнинг коллективи мусобақада эришган муваффақиятлари учун Ўзбекистон КП Янгийўл шаҳар комитети ва шаҳар Совети ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

Партия ташкилоти агитаторларнинг ишига алоҳида э'тибор бермоқда. Агитаторлар цехларда суҳбат ўтказган чоқда ва айрим ишчилар блан мусобақа қилганда завод, цех ва бригадаларнинг ишидан жонли мисоллар кўрсатиб, агитация ишларининг та'сирчанлиги учун қурашадилар. Агитаторлардан КПСС а'золари Гросман, Спикина, Полетаев, Шелепов ўртоқлар айниқса яхши ишламоқдалар. Улар ишчиларнинг саволига конкрет жаволар берадилар, коммунист ва комсомолларни ишлабчиқаришда авангард бўлишга да'ват қиладилар.

Партия ташкилоти социалистик мусобақани оммавий ҳаракатга айлантираётган бўлса-да, бу соҳада ҳали ҳам ба'зи камчиликлар бор. Биз ҳали ёрдамчи ишлардаги ишчиларни ҳам мусобақага жалб этишимиз, айниқса янгидан ишга қабул қилинган ишчилар ўртасида оммавий-тушунтириш ишларини қизитишимиз, иш нормасини бажармайдиган айрим ишчиларни илғорлар қаторига олиб чиқишимиз керак. Шунингдек цехлар, бригадаларнинг иш кўрсаткичларини кўзга кўринадиган жойларга ёпиштириб, кўргазмали агитацияни қучайтиришимиз лозим.

Завод партия ташкилоти коллектив ўртасида социалистик мусобақа ишларини янада кенгайтириб, Республикамизнинг шонли 30 йиллигини меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан кутиб олиш учун изчиллик блан кураш олиб бормоқда.

С. КУПОДЕРОВ,
Янгийўл консерва заводи партия бюросининг секретари.

Оммавий-сиёсий ишлар кучайтирилмоқда

Сирдар'ё районидаги «XIX партс'езд» колхози бошланғич партия ташкилоти колхозда партиявий-сиёсий ишларни колхоз ишлабчиқаришига узвий равишда боғлаган ҳолда олиб бормоқда. Партия ташкилоти қишлоқ хўжалигининг ҳар қайси соҳасини ривожлантиришда кўзда тутган конкрет иш планига эга. Колхозда оммавий-сиёсий ишлар юбора яхшиланмоқда. «Тинчлик учун» деворий газеталари мунтазам равишда чиқиб турибди. 9 пахтачилик бригадасида 36 марта «Жанговар варақа» чиқарилди. Деворий газета ва «Жанговар варақа»ларда фидокорона ишлаётган колхозчиларнинг намунали ишлари ёритилмоқда.

Партия йиғилишларида социалистик мусобақага, партиявий-сиёсий ишларни яхшилашга, меҳнатни ташкил этишга, колхозчилар турмушини янада яхшилашга доир муҳим масалалар тез-тез муҳокама қилиб турилмоқда.

Яқинда очиқ партия йиғилиши ўтказилиб, қишга тайёрланишга доир масалани муҳокама қилди ва партия а'золаридан иборат 3 кишилик комиссия тузди. Комиссия дала ишлари блан шуғулланаётган колхозчиларнинг уйларини ремонт қилиш, томларини суваб бериш лозимлигини аниқлади. Колхоз правленеси партия ташкилотининг бу ташаббусини қувватлаб Қурбон Маматов, Ортиқ Кенжаев, Ҳайитгул Чиннибоева каби 8 колхозчига янги уй-жой қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Мирза Отабоев, Умирзоқ Эгамов, Анвар Мамедов каби 21 колхозчининг уйларини ремонт қилиб бериш юзасидан зарур тадбирлар белгилади.

«XIX партс'езд» колхози бошланғич партия ташкилоти колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни қучайтириш блан бирга пахта йиғим-теримини уюшқоқлик блан бошлаб юборди.

Б. ХАЛИЛОВ.

Илмий-атеистик билимлар пропаганда қилинмоқда

ЧИРЧИҚ. (ЎзТАГ). Шаҳар саноат корхоналарида ва муассасаларга илмий-атеистик темаларда лекциялар ўқиш ташкил этилди. Шаҳар интеллигенцияси — инженерлар, ўқитучилар, илмий ходимлар лекция ўқишга кенг жалб қилинмоқдалар. Комбинат бош инженерининг ўринбосари ўртоқ Новиков томонидан ўқилган «Марксизм-ленинизм дин ҳақида» деган темадаги лекция ва комбинат директорининг ўринбосари ўртоқ Шчербакованинг диний урф-одатларнинг келиб чиқиши ҳақидаги лекцияси Стадин номидаги электрохимия комбинати ишчилари, мутахассислари ва хизматчилари ўртасида катта қизиқишга сабаб бўлди. Лекциялар вақтида кино фильмлар кўрсатилмоқда.

Шаҳар кутубхонасида диннинг реакцион моҳиятини фош қилиб ташлайдиган бадиий ва илмий-оммабоп адабиётлар виставкаси ташкил этилди.

Суратда: (чапдан) бош техник-метеоролог **Мукаррама Умарова** ва метеорология станциясининг раҳбари **Г. П. Лазаренко** ўртоқлар намлик ва шамол даражасини ўлчаб кўрмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

СУН'ИЙ ЧАРМ

Сўнгги вақтларгача чарм ўрнига асосан резина, махсус картон ва шунга ўхшаш нарсалар ишлатилар эди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси ташқи жиҳатдан чармга ўхшамас эди.

Кейинги йилларда совет олимлари сун'ий йўл блан табиий чармга ўхшаган материал ишлаб чиқариш устида кенг кўламда иш олиб бордилар. Бу соҳада Сун'ий чармлар институти лабораторияси бирқанча ютуқларга эришди: ўз структураси блан табиий чармга жуда ўхшаш бўлган «ИК» сун'ий чармни ишлаб чиқарилди. Бу чарм органик ва органик бўлмаган моддалар аралашмасидан олинади. Чармнинг юзи пигментлар аралаштирилган бўёқлар блан бўялади, бу эса унга табиий чарм тусини беради.

Сун'ий чарм махсус эритма ёрдами блан эластик қилинади. Бу чарм ташқи томондан табиий чармга жуда ўхшаш бўлиб, ўзининг чидамлиги блан ҳам бошқа материаллардан ажралиб туради. Шунинг учун, «ИК» чармидан камарлар, чемоданлар, портфельлар, сандалетлар ва турли техника детальлари тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин. «ИК»дан тайёрланган маҳсулотлар чидамли ва чиройлик бўлиб, табиий чармдан ишланган товарларга нисбатан анча арзон туради.

ЯНҒИ ХИМИЯВИЙ ПРЕПАРАТЛАР

Совет олимлари қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари ва касалликларига қарши курашиш учун кўпгина заҳарли химикатлар яратдилар. Бу соҳада Я. В. Самойлов номидаги илмий-текшириш институти катта ишлар қилди. Бу институтнинг ходимлари яқинда «НИУИФ — 2» маркали препарат ва тиофос моддаси ишлаб чиқардилар. Бу препаратлар чигитни дорилаш учун ишлатилади.

ЯНГИ ДАЗМОЛЛАР

Қурилиш керамикаси илмий текшириш институтининг проект-конструкторлик бюроси армн чиннидан ишланган дазмолларни саноатда ишлаб чиқаришни таклиф қилди. Бундай дазмолларнинг корпуси ва дастаси чиннидан ишланади, пастки қисми эса металлдан ишланади. Бунинг натижасида дазмолнинг устки қисми қизиб кетмайди. Янги дазмол жуда катта қулайлик туғдиради.

ТАСС АХБОРОТИ

Илмий-текшириш ишлари планига мувофиқ, сўнгги кунларда Совет Иттифоқида атом қуролининг турларидан бири синовдан ўтказилди. Бу синовдан мақсад атом портлашининг та'сирини ўрганиш эди.

Синов вақтида қимматли натижалар олинди, булар совет олимларига, инженерларига атом ҳужумидан ҳимоя қилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Район газетаси мактаб ҳаётини юзаки ёритмоқда

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимизда халқ маорифини ривожлантириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шаҳар ва қишлоқларимизда ҳар йили янги мактаб бинолари қурилмоқда, уларда ўқучилар сони йил сайин кўпаймоқда. Халқ маорифини ривожлантириш учун давлат бюджетидан миллиард сўмлаб маблағ сарфланмоқда.

Ҳозир мамлакатимизда умумий еттийиллик та'лим тўла жорий қилинган. Шу бешйилликда республикаларнинг пойтахтларида, бевосита республика қарамоғида бўлган шаҳарларда, область, ўлка ва йирик саноат марказларида умумий ўрта та'лим муваффақиятли амалга оширилмоқда. Келгуси бешйилликда эса мажбурий ўрта та'лим ҳамма жойда жорий қилинади.

Совет мактаби олдига қўйилган бу улуғвор вазифани бажариш матбуотимиздан халқ маорифи соҳасига жиддий э'тибор беришни талаб қилади. Бизнинг матбуотимиз мактаблар ҳаётини ва халқ маорифи органларининг фаолиятини кўпроқ ёритиб туриши лозим. Лекин областимиздаги ба'зи район газеталари халқ маорифи соҳасини системали равишда ёритиб бормайдилар, ўқиш йили бошланганида ва имтиҳон кунларидагина мактабларни эслайдилар. Шунда ҳам мактаблар ҳаётини умумий тарзда юзаки ёритишдан нарига ўтмайдилар. Кўпинча бу қаҳда ижобий материаллар бериш блангина қаноатланадилар.

Ўзбекистон КП Сирдар'ё район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район совети ижроия комитетининг органи **«Қизил юлдуз»** газетаси ҳам мактаблар ҳаётини юзаки ва бир томонлама ёритмоқда. Тўғри, газетанинг 1954 йил саҳифаларида мактабларда ўқув-тарбия ишларининг қўйилиши, ўқиш процессига политехника та'лимининг жорий қилиниши йиллик имтиҳонларнинг қандай ўтказилганлиги ва янги ўқув йилига тайёргарлик масалалари тўғрисида бирнеча хабар ва мақолалар босилган. Лекин шуниси ажабланарлики, бу хабарларнинг деярлик ҳаммаси «Чорак муваффақиятли якунланди», «Тўғарак ишлари жонлантириб юборилди», «Ўқучилар фан асосларини тажриба асосида ўрганмоқдалар», «Имтиҳонда яхши натижага эришдилар», «Имтиҳонлар уюшқоқлик блан ўтказилмоқда», «Имтиҳонлар пухта тайёргарлик блан бошланди» каби сарлавҳалар блан берилган ижобий материаллардан иборат.

Газетада фақат ўқув йилининг охирига келиб «Уюшқоқсизлик оқибати», «Ўқучиларнинг хатоси тўғри ҳисобга олинмай ортдирилган баҳо қўйилди» ва «Жиддий э'тибор берилсин» сарлавҳали учта танқидий хабар берилган. Бироқ, газета саҳифаларида район халқ маорифи бўлимининг фаолияти ва районда умумий—мажбурий та'лим Қонунининг бажарилишига доир бирорта ҳам хабар босилмаган. Ўзбекистон ССР Олий Совети президиуми 1953 йил октябрь ойида Сирдар'ё районида умумий мажбурий та'лим Қонунининг бажарилишини муҳокама қилиб, бу соҳада районда катта камчиликларга йўл қўйилаётганини кўрсатиб ўтган эди. Шундан кейин аҳвол бирқадар яхшиланган бўлса ҳам 1953—54 ўқув йили давомида районда ўқиш ёшидаги анчагина бола мактабга тортилмай қолган. Шундай бўлгани ҳолда район газетаси бу ҳақда нима учундир ҳеч нарса ёзмаётир.

Шунингдек, район газетаси саҳифаларида мактаблар ҳаётидаги принципиаль масалалар ёритилмаётир, илғор мактаб ва ўқитучиларнинг иш тажрибалари оммалаштирилмаётир, ўқитиш ишидаги энг яхши методлар пропаганда қилинмаётир. Мактаб ва оила ўртасидаги ҳамкорлик, мактаб партия, комсомол, пионер ва касаба союз ташкилотларининг иш фаолияти, мактабларда ўтказилаётган тематик кечалар ҳақида деярлик ҳеч қандай материал берилмаётир.

Шуни ҳам айтиш керакки, **«Қизил юлдуз»** газетаси саҳифаларида босилаётган материалларнинг савияси паст, уларда кўпгина стилистик камчилик ва орфографик хатоларга йўл қўйилмоқда. Қуйида ба'зи мисолларни келтирамиз:

«Биология ўқитучиси ўртоқ Каримова ўқучиларга политехника та'лимини бериш мақсадида ўз дарсини турмушга боғлаб бермоқда» (газетанинг 25 апрель сонида), **«мактаб битиручи X синф ўқучилари»** (17 апрель), **«Коммунизм» колхози қошидаги 19 сон мактабда имтиҳонларни уюшқоқлик (?) ва пухта тайёрликсиз бошланиб, имтиҳонни ўтказиш қондасининг бузилишига йўл қўйилмоқда»** (28 май) ва бошқалар. Қўриниб турипти-ки, газетанинг деярлик ҳарбир сонида такрорланаётган бундай ғализ жумлалар ўқучининг ғашига тегади.

Газетанинг шу йил май ойидаги сонида «Ўқув йилини муваффақиятли якунлаш учун» сарлавҳали хабар босилган. Унда **«Ўқитучилар программа материалларини синов билетлари юзасидан қайтармоқдалар»** дейилган. Ваҳоланки, ўтилган программа материалларини билетлар асосида такроллашга ҳозир йўл қўйилмайди. Газета редакциясидаги ўртоқлар кейинги вақтда мутлақо қораланган бу зарарли практикани пропаганда қилиб келганлар.

Бош мақола — газетанинг байроғидир. Унда жумлалар пишиқ, фикрлар равон ва вазифалар конкрет кўрсатиб берилган бўлиши керак. Лекин **«Қизил юлдуз»** газетасининг мақталар ҳаётига бағишланган бош мақолалари бу талабга тўлиқ жавоб бермайди. Масалан, газетанинг 23 июль сонида босилган «Янги ўқув йилига пухта тайёрланайлик» сарлавҳали бош мақоласини олиб қарайлик. Унда пишиқ ишланмаган қуйидаги ғализ жумлалар бор. **«Ҳозиргача райондаги Илич номли колхозданги 22 сон, «Коммунизм» колхозидаги 18 сон, 3 сон мактабнинг филиалида, Каганович номли колхоздаги 13 сон, Маленков номли колхоздаги 10 сон, Охунбобоев номли колхоздаги 6 сон мактабларнинг филиалларида бошланган йўқ».** Хўш, пала—партиш тузилган бу жумладан нимани тушуниб бўлади, бош мақола автори бу мактабларда нима бошланган йўқ демоқчи? Ўқучи бунга жавоб тополмайди. Бошмақолада бунга ўхшаш пала—партиш жумлаларни истаганингизча учратишингиз мумкин.

Энди шундай бир савол туғилади. Хўш, газета редакцияси ўқув йили бошлангандан кейин мактаб ҳаётини қандай ёритмоқда?

Газетанинг 2 сентябрь сонида «Янги ўқув йили бошланди», 9 сентябрь сонида «Ота-оналар мажбурий та'лим қарорига риоя қилмаётирлар» деган сарлавҳа остида хабарлар босилган. Хом—хатала ёзилган бу ҳар иккала хабардан ба'зи мисолларни келтирамиз.

«Бу йил район мактабларида ўтган йилга қараганда анча кўп бола ўқийди. Мактабларнинг X синфларида ўтган йилга қараганда 150 дан ортиқ ўқучи ўқийди. Бу йил X синфларда 10 дан ортиқ ўзбек қизлари ўқийди... 6 ва 5 сон мактабнинг X синфидаги 2 ўзбек қизлари ўқийди» ва ҳоказо.

Ёки **«V синф ўқучиси Абдурахмонова Санам онаси Шодиева Нормана,Шералиева Туман отаси Бегматов Шерали, Шодмонқулова Несиб отаси Бегматовлар ҳалигача қизларини мактабга бермаётирлар».**

Умуман **«Қизил юлдуз»** газета редакцияси районда мактаблар ҳаётини юзаки ёритаётир ва материалларнинг ҳартомонлама пухта ишланишига ҳам жиддий э'тибор бермаётир. Район партия комитети ўз органи **«Қизил юлдуз»** газетасининг мактаблар ҳаётидаги муҳим масалаларни системали равишда ёритиб боришини та'минлаши ва газета саҳифаларида босиладиган материалларнинг сифатини яхшилашга алоҳида э'тибор бериши лозим.

Фан ва дин

Фан ҳам, дин ҳам ижтимоий онгнинг шакллари бўлиш блан бирга, фан блан дин бир-бирига бутунлай зид тушунчалардир. Илмий ва диний қарашлар принципиал равишда бир-бирига қарамақаршидир ва бир-бирига муросасиз душмандир. Фан блан дин табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини бир-бирига бутунлай тескари нуқтаи назардан изоҳлайдилар.

Фан — ижтимоий онгнинг алоҳида шаклидир. У объектив дунёни ва унинг қонунларини ўрганади, ҳарқандай ҳодисанинг сабабларини изоҳлаб беради. Фан табиат ва жамият асосий қонунларининг амалда ўтказаётган та'сирларини очиб беради. Фан қонунлари табиатда ва жамиятда одамларнинг хоҳишидан ташқари бўлаётган об'ектив процессларни акс этдиради. Фаннинг ҳарбир тормоғи ўзи эришган даража доирасида ўзи ўрганаётган табиат ёки жамият соҳасида аниқ билимлар беради. Философия ҳамма фанларнинг ҳулосаларини умумлаштириб, оламнинг умумий манзарасини кўрсатиб беради. Марксча-ленинча философия табиат ва жамиятнинг яшаши ва ривожланишининг умумий қонунлари тўғрисидаги фандир. У одамларга билишнинг тўғри методини беради ва амалий ишлар учун ишончли қўлланма бўлади.

Фан қадим замонлардан бошланади. У одамнинг табиат блан курашида вужудга келди, кишилик жамиятининг амалий эҳтиёжларидан келиб чиқди, одамларнинг меҳнат фаолияти процессида пайдо бўлди. Одам аввало ўзига яшаш воситалари топиши блан боғлиқ бўлган табиат ҳодисаларини кузата ва умумлаштирабошлади. Ўт (олов) ҳосил қилиш усулларининг кашф этилганлиги жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўт чиқариш усулининг топилганлиги ва ҳайвонларни одам ўзига моғил қилиш йўлларини билиб олганлиги инсон ижтимоий ҳаётида жуда катта бурилиш ясади. Одамлар ишлабчиқариш кучларини аста-секин ривожлантира бориб, ишлабчиқариш қуролларини ихтиро қилиб ва такомиллаштириб, ишлабчиқариш тажрибалари ва меҳнат малакалари ҳосил қилиб, табиат устидан бўлган ўзларининг ҳукмронликларини кучайтирабордилар. Улар металл эритишни, металлдан ҳархил буюмлар ва қуроллар ясашни ўргандилар. Одамнинг яшаш учун тинмай олиб борган кураши натижасида астрономия, геометрия, механика, инженерлик техникаси ва бошқа кўпгина фанлар вужудга келди. Шундай қилиб фанларнинг ҳаммаси практика эҳтиёжларидан, табиат блан курашда, турмуш воситаларини ишлабчиқариш процессида пайдо бўлди. Чинакам фан табиат сирларини дадиллик блан очиб ташлаб, энг мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини билиб олиб, одамларга табиатни эгаллашда ёрдам беради, меҳнат фаолияти учун одамларни билимлар блан қуроллантиради.

Диннинг фандан фарқи шуки, дин кўрқўрона ишончга асосланади, тажриба ва кузатишларни рад қилади. Ҳамма ва ҳарқандай динларнинг та'лимотларига кўра, э'тиқод билимлардан устунлик қилади; э'тиқодга билимларга қараганда кўпроқ ишониш керак эмиш. Одамлардаги диний тасаввурлар абадийдир, инсонда туғилган кундан бошлаб қандайдир алоҳида диний хиссиёт пайдо бўлади, ягона ва қудратли худога э'тиқод қилиш одамларга абадий хос хусусиятдир, деган да'волар уламоларнинг энг кўп такроллайдиган даволаридан биридир.

Аммо бу да'волар асоссиз ва таги пуч да'валардир. Дин абадий бир нарса эмас. Кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида одамлар узоқ вақт динсиз яшаганлар. Диний э'тиқодлар бундан тахминан 100 минг йилча бурун пайдо бўлди деб ҳисоблаш мумкин, инсонлар пайдо бўлганидан берли эса, 1 миллион йилдан кўпроқ вақт ўтди. Демак, одамлар 800—900 минг йил динсиз яшаганлар. Дин жуда қадимги замонларда, ибтидоий-жамоа уруғчилик тузуми даврида, синфлар бўлмаган жамиятда пайдо бўлган. Дин ибтидоий жамиятдаги одамнинг табиат блан курашдаги ожизлигидан келиб чиққан бир нарсадир. Ибтидоий жамиятдаги одам табиатнинг стихияли ва даҳшатли кучларини ўзига бўйсиндираолмаган эди; одам учун бу кучлар тушиниб бўлмайдиган бир нарса эди, уни ҳайратда қолдирар эди. Сирларга тўла бўлган табиат ибтидоий жамиятдаги ожиз кишига гоят ваҳимали бўлиб кўринар эди. У ўз атрофидаги оламда бўлаётган воқиаларнинг моҳиятини билолмай ва тушинолмай, ўз устидан ҳукмрон бўлиб турган табиатнинг стихияли кучларини фавқулодда хусусиятларга эга деб ҳисоблади, шу кучларни илоҳийлаштирди.

Синфий жамият пайдо бўлиши блан дин ҳукмрон синфларнинг таянчи бўлиб қолди. Дин халқ учун аф'юндир. Диннинг халққа ма'навий зиёр бўлишига сабаб шуки, у одамларнинг онгини зиёрлиллик, одамларни гангитиб, эзучиларга ва эксплуататорларга қарши энг зарур ҳаётий манфаатлар учун, шу эксплуататорлар ер юзида меҳнаткашларга ясаган дўзоҳни емириб ташлаш учун курашдан одамларнинг э'тиборини четга тортади. Диннинг реакцион моҳияти мана шундадир.

Динларнинг ҳаммаси, жаҳонда икки негиз бор, олам бутунлай бошқа-бошқа икки қисмдан иборат, буларнинг бири моддий дунё бўлиб, иккинчиси ма'навиётдан иборатдирки, бу ма'навиёт моддий нарсалардан алоҳида равишда мавжуд бўлиши мумкин ва мавжуддир, ҳатто моддий дунё ўстидан ҳукмронлик этади, деб да'во қилади. Ҳарқандай дин одамларга, моддий дунё ўткунчи ва муваққат бир нарсадир, ма'навий дунё эса, абадийдир деган фикрни сингдиришга ҳаракат қилади. Диний та'лимотга кўра, табиатдан юқори туруви худолар, пириштолар, арвоҳлар, шайтонлар ва шунинг сингаларидан иборат бўлган ма'навий олам табиат ҳаётига ва ижтимоий турмуш воқиаларига аралашиб туриши ва шуларни ўз хоҳишига бўйсундириши мумкин, деб ҳисоблайди.

Диний уйдирмаларга кўра, моддий дунёни худо йўқдан бор қилган. Оламни худо яратган деган да'во ҳарқандай динининг асосий қоидасидир. Дин ўзи йўқ «яратучи худога» ишонишга чақиради, диндорларга дунёдаги ҳамма нарсалар худо томонидан абадий ва ўзгармас қилиб яратилган деган фикрни ўқитиради.

Фан мана шу дин афсоналарини инкор қилади. Оламни ҳечким яратмаган, у абадийдир, у ҳамавақт мавжуд бўлиб келган ва ҳамиша мавжуд бўлиб қолади.

Ҳарқандай дин му'жизаларни э'тироф қилади. Дин одамларга: кўр-кўрона ишониш керак, ўрганмаслик, текширмаслик керак, деб та'лим беради. Дин ҳамиша, ҳамма замонларда ўз мақсадлари учун табиатнинг мураккаб ҳодисаларидан фойдаланиб келган, диндорларни табиат қонунларининг та'сирини тўхтатиш ёки ўзгартириш, му'жиза кўрсатиш тўғрисида ҳудога илтижо қилиб ялворишга тарғиб қилиб келган. Дин му'жизаларга ишонишни талаб қилибгина қолмасдан, шу блан бирга дуолар ўқиш, ибодатлар қилиш, ҳархил кароматлар блан му'жизаларни яратиш мумкин деган фикрни ҳам диндорларнинг миясига қуяди.

Му'жизаларга ишониш бе'мани бир нарсагина бўлиб қолмасдан, шу блан бирга унинг катта зарари ҳам бор, чунки динга ишониш одамни ўз кучларига таянишга эмас, балки худонинг ёрдамидан умид тутишга мажбур қилади. Материалистик фан ғайритабиий олам борлигини тан олмайди ва ҳарқандай му'жизаларни инкор қилади. Фан ўзи йўқ худонинг оламни яратганлиги тўғрисидаги диний тасаввурларни рад қилади. Фан табиат ва жамият ҳодисаларини қонуниятли ҳодисалар деб, сабаблар ва оқибатларнинг бир-бирига боғланишидан иборат деб ҳисоблайди. Одамлар табиат қонуниятларини ўрганиш йўли блангина уни ўзларига бўйсундираоладилар ва ўз мақсадларига хизмат қилдираоладилар. Илмий билимлар блан қуролланган одам худодан раҳм-шафқат тилаб ялвормайди, балки ўзи табиатнинг хўжайини бўлиб қолади.

Фан табиат ва жамиятдаги боғланишлар ва қонуниятларни билганлиги учун келажакни олдиндан кўриб айтиб бераолади. Инсониятнинг бахт-саодати учун табиатга ва ижтимоий ҳодисаларга та'сир ўтказиш мақсадида олдиндан кўриш илғор фаннинг асосий вазифаларидан биридир. Келажакни илмий асосда олдиндан кўриш фантастик догматларга ва тасаввурларга асосланган диний кароматга ва башоратларга бутунлай қарама-қарши бир нарсадир. «Му'жиза кўрсатиш учун қилинган пайғамбарлик афсонадир, — деб та'лим беради В. И. Ленин. — Лекин илмий асосда қилинган пайғамбарлик ҳақиқатдир». (Асарлар, 27 т., 525 бет).

Келажакда бўладиган воқиаларни илмий равишда жуда аниқ ҳисоблаб олдиндан айтиб беришга астрономия фани яқ-қол мисол бўлаолади. Масалан, астрономлар қуёш ва ой тутилишларини ҳайрон қоларли даражада аниқ қилиб ва олдиндан айтиб берадилар. 1954 йил 30 июньда бўлган қуёш тутилишини астрономия фани бирқанча вақт олдин, унинг қайси куни ва қайси соатда рўй беришини аниқ қилиб айтиб берган эди. Бу эса фаннинг табиатдаги ривожланиш қонуниятларни аниқ билганлигини кўрсатучи мисолдир. Улуғ рус химиги, химия элементларининг периодик системасини яратган олим Д. И. Менделеев ҳали кашф қилинмаган элементларнинг хусусиятларини доҳиёна белгилаб берди, уларнинг атом оғирлигини ҳам аниқлаб кўрсатди. Менделеевнинг илмий асосда олдиндан кўриб айтган гаплари жуда тўғри бўлиб чиқди. У олдиндан айтиб кўйган элементларнинг ба'зилари олимнинг ҳаёт вақтидаёқ кашф қилинган эди.

Марксча-ленинча фан кишилик жамияти тараққиётининг қонунларини билиш асосида ижтимоий тараққиётнинг боришини олдиндан кўриб туради. Марксизм-ленинизм одамларни диалектик метод блан қуроллантиради. Бу метод воқиаларнинг ички боғланишини, уларнинг қонуниятларини тушинишни ўргатади.

Дин, жаҳонда инсон ақли етмайдиган, лекин ўзи кўринмасада табиатни, жамиятни ва одамларнинг юриш-туришини бошқариб турадиган кучлар бор, деб да'во қилади. Бу блан дин одамни қуролсизлантиради, фан негизларига путур етказади, чунки табиат ва кишилик жамиятининг фан қашф қилиб берган қонунлари об'ектив қонунлар эканлигини э'тироф қилмасдан туриб, фаннинг яшаши мумкин эмас. Дин пешволари оламни билиш мумкинлигини рад қиладилар, билимларимизнинг аниқлигига ишонмайдилар, чунки диний дунёқараш нуқтаи назаридан табиат ва одам бутунича худонинг хоҳишига бўйсунади, «худонинг иродасини» билиш, я'ни табиат ва одам тўғрисида билиш мумкин эмас, деб ҳисоблаяди. Одам «худонинг иродаси» олдида ожиз эмиш. Шунинг учун ҳам дин дунёни қайта қуриш учун курашдан воз кечишни тарғиб қилади ва бундай курашдан ҳеч бир натижа чиқмайди, деб да'во қилади.

Фан эса ўзининг бутун фаолияти блан оламни, унинг қонуниятларини билиб олиш мумкин деган қоидани асослаб беради. Инсонларнинг бутун тарихий тажрибаси оламни билиш мумкинлигини кўрсатади. Табиат ва жамият қонуниятларини билиш натижасидагина фабрика ва заводлар, темирйўллар, автомобиллар, пароходлар, самолётлар, телефон-телеграфларни вужудга келтириш, электрни, радиони ихтиро қилиш ва шунинг сингарилар мумкин бўлиб қолди.

Фан тарихи инсон ақлининг қудрати чексиз эканлигини кўрсатади. Агар оламни билиш мумкин бўлмаганда эди, одамлар эса унинг қонуниятларини билолмаганларида ва бизнинг билимларимиз нарсаларнинг моҳиятини акс этдирмаганда эди, одам табиат кучларининг абад

Дала ишлари сур'атини тобора кучайтириб, давлатга кун сайин кўпроқ пахта етказиб берайлик!

☆

Илғор бригадалар терим сур'атини тобора кучайтирмоқдалар

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини, шу жумладан пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бу ғамхўрликлардан илҳомланган Бекобод районидаги Маленков номли колхознинг а'золари ва механизаторлари бу йил мўл ҳосил етиштириш йўлида фидокорона меҳнат қилдилар.

Колхознинг ўртоқ Ёриев бошлиқ 7-нчи бригадаси ўтган йили ҳар гектардан 29 центнердан пахта ҳосили етиштириб, планни ошириб бажарган эди. Бригада а'золари бу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олиб, ўртоқ Эрдонов бошлиқ 11-нчи бригада а'золарини социалистик мусобақага чақирдилар. Бу бригада а'золари чақириққа жавобан ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштиришга ва'да қилган эдилар. Улар ўз ва'даларининг устидан чиқиш ва олган социалистик мажбуриятларини шараф блан бажариш учун астойдил меҳнат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўриб, ҳамма нарсани тахт қилиб қўйдилар. Жумладан, машина блан ериладиган участкаларни тайёрланди, пахта териш машиналарига махсус кишилар биркитиб қўйилди. Ҳирмон жойлар, пахта саройлари ремонтдан чиқарилди, қоп-қанорлар, тош-тарозилар, этаклар ва бошқа инвентарьлар тайёрланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пахта йиғим-теримини ўтказиш ҳақидаги қарори бригада а'золари ўртасида муҳокама қилиниб, йиғим-терим ишлари қизитиб юборилди. Бригадада дастлабки кунлардан бошлаб пахта териш ва уни давлатга топшириш графиги ошириб бажарилмоқда. Мавсумда 15.000 килограмм пахта териш мажбуриятини олган илғор теримчилардан Ҳўжан Сайдилов, Ойсанам Обиддинова, Ҳидир Тошбоев, Ҳолнисо Шарапова, Қаршибой Жўраев ва Меҳри Ҳамдамова ўртоқлар шу кунларда 100 килограммдан 150 килограммгача пахта термоқдалар. Ҳозир колхоз бўйича 40 дан ошиқ теримчи 100 килограммдан 200 килограммгача пахта термоқда. Бу йил колхозда 290 гектар ердаги пахтани машина блан териш планлаштирилган. Шунинг учун ҳам 1-нчи МТСнинг шу колхозда хизмат қилаётган механизаторларидан Собир Охунов, Ўринбой Шербеков, Норқўзи Содиқов, Холмурод Маматов ва Шерали Эржигитов каби илғор механизаторлари фидокорона меҳнат натижасида етиштирилган мўл ҳосилни ўз вақтида, нобуд қилмай йиғиб-териб давлатга топшириш учун мавсумда 90—100 тоннагача пахта териб бериш мажбуриятини олдилар.

Шу кунларда колхозда пахта йиғим-терими уюшқоқлик блан ўзаро социалистик мусобақа асосида бормоқда. Ҳозир колхоз йиллик пахта тайёрлаш планининг 25 процента миқдорида пахта топширди.

Шунингдек, 64 гектар ернинг ҳарбир гектаридан 30 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олган Калинин қишлоқ советидаги Будённий номли колхознинг Хонбуви Ўролова бошлиқ бригадасида ҳам мўл пахта ҳосили зўр уюшқоқлик блан териб олинмоқда. Илғор звено бошлиқларидан София Қўриқчиева, Оллоёр Эрқулов, Қўчқор Умаров ўртоқлар пахта теримида бошқаларга намуна бўлмоқдалар, улар топширикни 150 — 200 процент қилиб бажармоқдалар.

Ленин номли колхознинг ўртоқ Холниса Маҳмудова бошлиқ бригадаси давлатга кундан-кунга кўп пахта топширмоқда.

А. САТТОРОВ.

1. Октябрь районидаги Сталин номли колхознинг а'зоси ўртоқ Қ. Анорбоева мавсумда 8 минг килограмм пахта териш мажбуриятини олган. У, шу кунларда 100—120 килограммдан пахта териб, нормосини ошириб бажараётир. **Суратда:** ўртоқ Қ. Анорбоева. 2. Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг а'золари социалистик мусобақани кенгайтириб, кун сайин кўпроқ пахта териб топширмоқдалар. Шу колхознинг илғор теримчиси С. Саражеева кунига 120 килограммдан ошириб пахта термоқда. **Суратда:** ўртоқ С. Саражеева. 3. Калинин районидаги Молотов номли колхоз теримчилари ўртасида Қ. Налибоева биринчиликни эгаллаб келмоқда. **Суратда:** ўртоқ Қ. Налибоева.

В. Салов, И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Пискент районида пахтани машина блан теришга тайёргарлик ёмон аҳволда

Пискент районининг пахта далаларида қўсаклар кўплаб очилган. 19—20 сентябрьдан бошлаб барча колхозларда ҳам пахтани машина блан теришга кириши мумкин. Лекин, пахтаси машина блан ериладиган далаларни колхозлар теримга яхши тайёрламаётирлар. Бу иш Андреев номли, Киров номли, Жданов номли, «XIX партс'езд» ва бошқа колхозларда жуда суслик блан олиб борилаётир.

Ба'зи колхозларда ғўза ҳечбир талаб қилмаса ҳам суғориш ўтказилмоқда. Ҳолбуки бу далаларда ғўзани суғориш пахтанинг очилишини кечиктиради, очилган пахталарни тезда териб олишга тўсқинлик қилиб, пахтанинг тўкилиб, нобуд бўлишига сабаб бўлади. Ер ортиқча намланганида бўйдор ва мўл ҳосилли бўлиб ўсган ғўзалар ётиб қолади, ниҳоят пахтани машина блан териш ишлари орқага сурилиб кетади.

Пахтаси машина блан териш учун ажратилган кўпгина далалар бегона ўтлардан тозаланмаган, кейинги суғоришдан сўнг қатор оралари культивацияланиб, текисланмаган. Шунинг учун бу далаларда эгатлар текис ва тўғри эмас, ўнқир-чўнқир жойлари кўп. Буларнинг ҳаммаси терим машиналарининг, ҳатто тракторнинг ҳам равон ишлашига ҳалол бериши, айрим ҳолларда тракторнинг базибир қисмларини синдириб юбориши, терим машинасининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Пахта териш машиналарининг нормал, тўхтовсиз ва унумли ишлаши учун биринчи навбатда, зарур бўлмаган жойларда суғориши тўхтатиш керак. Шунинг блан бирга, ғўза баргларини тўкиш ишларини тезлатиш зарур. Ҳозир районда-ги колхозларда ғўза баргларини тўкиш ишларининг суст бораётгани устига, дорилаш ишининг сифати ҳам жуда паст. Бу ҳол ғўза баргларининг 80 — 85 процент тўкилишини та'мин этмайди, демак бу ҳам пахта териш машиналарининг ишлашини қийинлаштиради.

Пискент районидаги ҳамма колхозларда пахтани машина блан теришга пухта тайёргарлик кўриш учун барча имкониятлар бор. Бироқ колхозларда уюшқоқликнинг йўқлиги, район ташкилотлари томонидан ҳеч қандай контрольлик олиб борилмаётганлиги барча куч ва моддий-техника ресурсларининг сафарбар этилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Пахтани машина блан теришга тайёргарликнинг жуда ёмон аҳволда эканлиги район партия комитетининг секретари Латипов, МТСларнинг директорлари Капатун ва Касьянов ўртоқларга ма'лум. Лекин улар бу камчиликларни бартараф қилиш учун ҳеч қандай жиддий чоралар кўрмаётирлар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Пахтанинг очилишини тезлаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кўрсатилган камчиликлар Пискент районидаги колхозларда ҳам учрайди.

Район партия комитети ва район ижроия комитети раҳбарлари, МТС директорлари ва колхоз правлениелари юқорида айтилган қарордан тегишли хулоса чиқариб, пахтани машина блан теришга тайёргарликда йўл қўйилаётган нуқсонларни тезда йўқотиш тадбирларини кўришлари керак.

С. БОНДАРЕНКО.

МУҚАРРАМ ҲАМИДОВА БОШЛИҚ ЗВЕНО ПАХТА ТОПШИРИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Чиноз районидаги 3-нчи наслдор моллар совхозида бу йил 70 гектар ер ўзлаштириб унга чигит экилган эди. Совхознинг пахтачилик бригадасининг ишчилари фидокорона меҳнат қилиб, бу яғни ердан мўл пахта ҳосили етиштирдилар ва пахтанинг эрта очилишига эришдилар.

Комсомол а'зоси ўртоқ Муқаррам Ҳамидова бошлиқ звено пахтакорлари ғўза парвариши даврида ҳаммага намуна бўлганларидек, ҳозир теримда ҳам олдинда бормоқдалар. Звенонинг беш а'зоси кўпминг килограммчи комсомол-ёшлар чақириғига қўшилиб, мавсумда 10—15 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олган эдилар. Улар бу мажбуриятни шараф блан бажариш учун астойдил меҳнат қилиб, кунлик терим нормасини 3—4 ҳиссадан адо этмоқдалар.

Звено далаларида пахта терими 28 августда бошланган эди. Звено а'золари теримнинг биринчи кунлариданоқ ишни жадаллаштириб, сур'атни тобора кучайтирдилар. Натижада звено 9 сентябрь куни давлатга пахта топшириш йиллик планини районда биринчи бўлиб 101 процент бажарди.

Звено а'золари ўзларидаги барча имкониятларни ҳисобга олиб, ҳар гектардан 40 центнердан ҳосил топшириш, планни 220 процентга етказиб бажариш ва пахта терими мувоффақиятли туғаллаш мажбуриятини олдилар.

М. ОРЗИҚУЛОВ.

СИРДАР'Ё РАЙОНИДА МАШИНА БЛАН ПАХТА ТЕРИШГА КИРИШИЛДИ

СИРДАР'Ё (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**) 2-нчи МТС зонасидаги «XVIII партконференция» колхози а'золари бу йил 890 гектар ердаги ғўзани сифатли парвариш қилиб мўл ҳосил етиштирдилар.

Ҳозир колхозда пахта терими зўр уюшқоқлик блан олиб борилмоқда.

Пахтаси машина блан териш учун ажратилган 400 гектар ердаги ғўзанинг барги ўз вақтида дорилланган эди. Шу кунларда ғўза баргларн қўплаб тўкилди ва айрим участкаларда 60 — 70 процент қўсаклар очилди.

Шунинг учун 13 сентябрьда колхознинг Р. Эшонқулов бригадасида пахтани машинада териш бошланди. Бу бригадада 2-нчи МТСнинг ўртоқ Д. Мусофиров бошлиқ трактор бригадасининг механик-ҳайдовчилари машина блан пахта термоқдалар. Колхоз партия ташкилоти моҳир теримчиларнинг тажрибасини кенг ёймоқда.

Колхознинг барча 690 теримчиси ҳозир кунлик нормаларини бажараётир. 300 дан ортиқ колхозчи нормани икки ҳисса қилиб адо этаётир.

БАРЧА ТЕРИМЧИЛАР ТОПШИРИҚНИ ОШИРИБ БАЖАРМОҚДА

ОРЖОНИКИДЗЕ, (ЎзТАГ). Маленков номли қишлоқ хўжалик артелининг а'золари пахта терими сур'ати жиҳатидан Оржоникидзе районида олдинда бормоқдалар. Улар тайёрлаш пунктига ҳозирдаёқ 200 тоннадан ортиқ пахта топширдилар.

Колхоз коммунистлари йиғим-теримни тез ўтказиш учун пахтакорлар мусобақасининг ташкилотчилари бўлмоқчилар.

Мавсумда 10—15 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олган КПСС а'золари Ҳаким Қодиров ва Ғулом Ўтамасовлар кунлик топширикни икки ҳисса қилиб бажармоқдалар. Далачилик бригадаларининг бошлиқлари коммунистлардан А. Шерматов, С. Содиқов, Н. Ўртаевлар қўплаб пахта термоқдалар. Уларнинг ҳарбири мавсумда 3 минг килограммдан пахта теришга қарор қилдилар ва ҳозир кунда 40 — 50 килограммдан пахта термоқдалар. Колхоз партия ташкилоти моҳир теримчиларнинг тажрибасини кенг ёймоқда.

Колхознинг барча 690 теримчиси ҳозир кунлик нормаларини бажараётир. 300 дан ортиқ колхозчи нормани икки ҳисса қилиб адо этаётир.

Кўпмингкилограммчилар ҳаракати кенгаймоқда

ВЕРХНЕ-ВОЛИНСК. Райондаги Куйбишев номли колхоз теримчилари ўртасида кўпмингкилограммчилар ҳаракати кундан-кунга кенг қулоч ёймоқда.

Бу йилги мавсумда 12—15 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олган Эркиной Маметова, Юлдузхон Уммматова, Жамилахон Тешабоева сингари моҳир теримчилар теримнинг биринчи кунларидан бошлаб кундалик нормани ошириб бажармоқдалар.

Колхоз а'золари социалистик мусобақани янада кучайтириб, пахта тайёрлаш давлат планини Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 37 йиллик кунигача бажариш учун курашмоқдалар.

М. АГАЛИЕВ.

Психик хоссалар фақат юксак даражада уюшган материянга — мияга хос хоссалардир, — деб та'лим берди улуғ рус олими И. М. Сеченов. Бу та'лимот психиканинг материядан мустақиллиги ҳақидаги, унинг илоҳийлиги ҳақидаги диний-идеалистик тасаввурларнинг негизига болта урди. Олий нерв фаолияти тўғрисидаги фанда янги давр очган И. П. Павлов Сеченов идеяларини янада ривожлантирди ва чуқурлаштирди. Павлов шу нарсани исбот қилдики, одамнинг психикаси нормал ишлаб турган миянинг функцияси бўлганлиги учун ҳечқандай жонга, руҳга мухтож эмас. Мия — одам ва ҳайвоннинг энг муҳим органидир. Миянинг ёрдами бўлмаса биз ҳаракат қилолмаймиз, кўралмаймиз, эслайолмаймиз, ўйлайолмаймиз.

Фаннинг ривожланиш тарихи — илғор, прогрессив, материалистик идеялар ва назарияларнинг қолоқ, реакцион, фанга хилоф, идеалистик идеяларга ва назарияларга қарши, шу жумладан динга қарши кураш тарихидир. Дин қадим замонлардан бери халқ оммасини гангитиб келган. Дин омманинг онгини бўғиш, оммани ўзининг энг зарур манфаатлари учун курашдан четга тортиш мақсадида фанни инкор қилади. У илмга амал қилучиларни худонинг қаҳри келади, деб қўрқитади. Дин «ҳамма нарса худонинг мулки, унинг сирини биламан деб уринма», дейди, «ҳар нарсани билишга интиларма, чунки билимдон бўлиш худонинг олдида гуноҳкор бўлиш демакдир». Дин билимсизликни диндор кишининг олий идеали деб э'лон қилади: «Билмаган пақир кишиларнинг жойи жаннатдадир», «Кўрмаганлар ва э'тиқодлилар нариги дун'ёда фарогатда бўладилар» деб та'лим беради.

Кишилик жамиятининг бутун тарихи давомида фан блан дин ўртасида ўткур ва муросасиз кураш бўлиб келди ва бўлмоқда. Фанни шафқатсизлик блан қонли та'қиб қилиш фактлари бутун дин тарихида тўлиб ётибди. Табиатнинг сирларини билишга уринган талай-талай олимлар диний жаҳолатнинг қурбони бўлганлар. Фаннинг улуғ кашфиётлари бўлмаганда эди саноатда, деҳқончилик ва маданиятда муваффақиятлар ҳам рўёбга чиқмаган бўлур эди. Бу улуғ илмий кашфиётлар дин блан кураш жараёнида вужудга келди.

Ўз кашфиётлари блан диний тасаввурларни бевосита рад қилган олимлар дин пешволарининг айниқса қаттиқ ҳужумига учрадилар. Дин пешволари шу олимларнинг кўпларини та'қиб қилиш ва қийнаш блангина чифояланмай, ҳатто каттин азоб бериб, ўлдирдилар. Чунончи, оламни худо яратган деган диний да'вони инкор қилиб, олам чексиз ва бепоёндир деб исбот қилган улуғ олим Жордано Бруно 1600 йилда ўтга ташлаб қуйдирилди. Қон айланишни ўрганишга негиз солган буюк олим—врач Сервет ҳам дин пешволари томонидан ўтга ёқилди. Католик динининг руҳонийлари врач Андреа Везалийни ўликларни ёриб кўриш йўли блан одам танасининг тузилишини ўрганган учун ўлимга ҳукм қилдилар.

Чор Россияси даврида ҳам фаннинг дин блан кураши жуда шиддатли тус олди. Улуғ рус олимлари М. В. Ломоносов, А. М. Бутлеров, Д. И. Менделеев, И. М. Сеченов, И. И. Мечников, ака-ука Ковалевскийлар, К. А. Тимирязев, И. П. Павлов, И. В. Мичурин реакцион кучлар, шу жумладан руҳонийлар томонидан қўйилган жуда катта тўсиқларни енгиб, фанга ва халқни ма'рифатли қилишга йўл очдилар. Масалан, И. М. Сеченовнинг «Бош мия рефлексларн» деган китоби босилиб чиққан вақтда Петербург ва Ладога митрополити ҳукуматга мурожаат қилиб «шаккок, зарарли ва нуқул куфирдан иборат та'лимотни та'риф қилган «жаноб профессор Сеченовни куфирдан қайтариш ва тузатиш учун» черков турмасига — Соловецкий монастирига сургун қилишни талаб этди.

Реакционерлар И. В. Мичуриннинг материалистик та'лимотини дин учун жиддий хавф деб ҳисобладилар. Улар Мичуриннинг ишлари оламни билиб бўлмаслик тўғрисидаги сохта та'лимотни фош қилиб ташлаётганлигини тушинар эдилар. Мичурин та'лимоти гўё худо абадий қилиб яратган жонли табиатнинг ўзгармаслиги тўғрисидаги диний афсоналарни рад қилиб ташлади. Бу блан Мичурин та'лимоти табиатни ўзгартиришга йўл очди.

Дин пешволари худо табиат сирларини ўзи одамлардан яшириб қўйган ва шу сабабли бу сирларни ўрганиш, айниқса уни ўзгартиришга ҳаракат қилиш катта гуноҳдир, деб да'во қилдилар. Улар Мичуриннинг илмий фаолиятига ҳарқандай йўллар блан тўсқинлик қилдилар. Мичурин ўзининг хотираларида бундай деб ёзди: «Департаментдаги чиновниклар менга: «жасорат қилма» деб бақирдилар ва ёзмоқ учун ҳеч нарсани бермадилар. Поплар: «худога шак келтирма, худонинг боғини фоҳишахонага айлантирма» деб дўқ қилдилар». Чиновниклар ва поплар ҳеч нарсани ва ҳеч ким ёрдамини кутмасдан, ўз ишларимиз ва ўз ҳаракатимиз билан ишлаб, ўз ҳаётимизни ва ишимизни ҳеч ким ва ҳеч нарсадан қўрқмасдан давом эттирдик.

Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг тўрт йиллик иш даври тугади

БЕРЛИН, 16 сентябрь. (ТАСС). Германия Халқ Демократик Республикаси Халқ палатасининг кечаги мажлиси республиканинг қонун чиқаручи мана шу олий органининг тўрт йиллик иш даврини тугаллади. Халқ палатасининг раиси Иоганнес Дикман мажлисни ёпатуриб, сўзлаган нутқида, Германия Демократик Республикасининг Халқ палатаси тўрт йил давомида бутун муттасил герман халқининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиб келганлигини ва иш олиб борганлигини таʻкидлаб ўтди. Дикман республика меҳнаткашларининг ўтган тўрт йил ичида иқтисодий ва маданий тараққиёт соҳасида эришган катта муваффақиятлари тўғрисида гапириб, Совет Иттифоқига, тинчлик ва демократия лагеридаги халқларнинг ҳаммасига олижаноблик блан ёрдам бериб турганликлари учун қизғин ташаккур билдирди ва уларнинг шундай ёрдами бўлмаганда мана шу муваффақиятлар ҳам қўлга кирмаган бўлур эди, деди.

Болгарияда катта сув омбори қурилади

СОФИЯ, 16 сентябрь. (ТАСС). Болгариядаги Родоп тоғларининг шарқий қисмида «Студен-кладенец» сув омборини қуришга тайёргарлик ишлари кенг авж олиб кетди. Бу қурилиш Арда дарёсида қуриладиган гидроэнергетика каскади системасида биринчи қурилиш бўлади. Дарёнинг икки томонида қурилаётган тош йўл битай деб қолди. Арда дарёси орқали қурилаётган мувақкат кўприк ой охиригача битади. Бетон заводи, ишчилар ва инженер-техник ходимлар учун 15 та катта уй-жой бинои, ёрдамчи корхоналар ва ижтимоий-маиший муассасалар қурилмоқда.

Польша металлургларининг шаҳри

ВАРШАВА, 16 сентябрь. (ТАСС). Краков якинида Польша металлургларининг шаҳри бўлган Новая Гута тез ўсмоқда. Ҳозир бу шаҳарда 50 мингга яқин аҳоли бор. Бу йил шаҳар меҳнаткашларига 3.700 хоналик уй-жой қуриб берилди. В. И. Ленин номидаги комбинатни қураётган кишиларнинг кўпи янги квартираларга кўчиб кирдилар.

Новая Гутада 25 мингга яқин хонаси бўлган 300 тадан кўпроқ уй-жой биноси қурилди. Шаҳарда юзга яқин озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари, маиший хизмат кўрсатучи 200 тадан кўпроқ корхона, шунингдек мактаблар, болалар боғчалари, болалар яслилари қурилди.

Новая Гутанинг ўз театри, маданият уйи, халқаро китоб ва матбуот клуби ҳамда бошқа кўпгина маданий-оқартув муассасалари бор.

Ҳозир шаҳарнинг ҳамма районларида янги биноларқурилмоқда. 150 та уй-жой биноси қад кўтармоқда. Шаҳар марказида кўпқаватли бирнеча бино қурилаётир. Шаҳар меҳнаткашлари шу йилнинг охиригача 6.300 тадан кўпроқ хонага эга бўлган янги уй-жой оладилар. Польша металлурглари шаҳридаги аҳоли яқин йиллар ичида 100 минг кишига етади.

Болгарияда биринчи полиграфия комбинати

СОФИЯ, 16 сентябрь. (ТАСС). Софияда Болгарияда биринчи бўлган полиграфия комбинати қурилиб бўлди. Бу комбинатнинг проектини совет ва болгар мутахассислари ишлаб чиққан, ускуналарни совет заводлари етказиб берган. Полиграфия комбинати 5 қаватли бинодан иборат бўлиб, унда 500 дан кўпроқ хоналар ва иш бинолари бор. Комбинатнинг ички ҳовлиси боққа айлантирилган.

Комбинатнинг редакцион корпусида Болгария Коммунистик партиясининг нашриёти, «Работническо дело», «Отечествен фронт», «Народна младеж» газеталарининг редакциялари жойлашган. Комбинат босмахонаси мамлакатда энг катта босмахонадир. Унда 11 та газета ва 32 та журнал босиб чиқарилади.

Комбинатга Болгария Коммунистик партиясининг асосчиси Димитр Благоев номи берилган.

КХДРда суперфосфат заводи тикланди

ПХЕНЬЯН, 16 сентябрь. (ТАСС). Корея марказий телеграф агентлигининг хабар беришича Хиннам химия ўғитлари комбинатида суперфосфат заводини тиклаш ишлари муддатидан илгари тамомланган.

Мўғулистон-Чехословакия дўстлиги ҳафтаси

УЛАН-БАТОР, 16 сентябрь. (ТАСС). Улан-Баторда пойтахт жамоатчилигининг Мўғулистон-Чехословакия дўстлиги ҳафтаси очилишига бағишланган йиғилиши бўлди.

Йиғилишда Мўғулистон Халқ Республикасининг бош министри Цеденбал, Буюк Халқ Хурали президиумининг раиси Самбу, Мўғулистон Халқ-революцион партияси МК биринчи секретари Дамба, шунингдек Чехословакиянинг МХРдаги элчиси Вошаглик, Чехословакия делегациясининг раҳбари Татарка, СССР нинг элчиси Писарев ва дипломатик корпусининг бошқа аʻзолари ҳозир бўлдилар.

Санʻат ишлари комитетининг раиси Чойжамц мўғул ва чехословак халқларининг дўстона алоқалари тўғрисида доклад қилди. Чехословакия республикасининг элчиси Вошагликнинг сўзи самимий кутиб олийди.

Расмий қисмдан кейин концерт берилди.

Туркия деҳқонларининг аҳволи

ИСТАМБУЛ, 16 сентябрь (ТАСС). «Ҳуррият» газетаси Хатай вилоятидаги пахтакор деҳқонларнинг оғир аҳволда қолганлигини билдиради. Деҳқонлар банкга бўлган қарзларини узаолмадилар ва ҳозир уларнинг бутун пахта ҳосили ҳатлаб қўйилди. Деҳқонларнинг ўз далаларида ҳосилни яширинча йиғиб олмасликлари учун махсус жандарм постлари қўйилган.

Жаҳон Тинчлик кенгаши Бюросининг баёноти

ВЕНА, 16 сентябрь. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг Венада 13 сентябрьдан 15 сентябрьгача сессияси бўлиб ўтди. Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюроси матбуотда эʻлон қилиш учун қуйидаги баёнотни топширди:

Катта воқиалар жаҳонга янги умид берди ва тинчлик учун курашаётган ҳамма кишиларнинг сарф қилган ғайратларига муносиб бўлди.

Кореяда ва Ҳинди-Хитойда яраш тўғрисидаги битимлар имзоланди; герман милитаризмининг тирилтирилишини расмийлаштиручи Европа армияси тўғрисидаги шартномалар Франция парламенти томонидан рад қилинди.

Тинчликни ҳимоя қилиш йўлида Жаҳон Тинчлик Кенгаши томонидан ўтказилаётган тадбирлар ва кампаниялар халқларни ҳаракатга чақиришга ва уларнинг ғайратларини ташкил этишга имкон берди. Ҳамма мамлакатлардаги миллион-миллион кишилар бу улуғ ғалабада ўзлари ўйнаган роль блан бугун ҳақли равишда фахрланмоқдалар.

Броқ, тинчлик кучларининг доимий хушʻёр бўлиб туришини талаб қилаётган бошқа хавфлар бор. Европа бошига тушган бевосита хавф эришилган натижаларнинг ҳаммасини йўққа чиқариши мумкин. Германия армиясининг қайтадан тикланиб, ҳарбий коалиция составига қўшилиш хавфи баʻзи ҳукуматларнинг мақсади бўлиб қолмоқда. Бу нарса Германиянинг парчаланганлигини абадийлаштирган бўлур эди, асоссиз равишда парчаланган Европанинг икки қисмини бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйишни кучайтирган бўлур эди, шунингдек зўр бериб қуролланишни ҳам кучайтирган бўлур эди.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Бюроси халқларни Германиянинг қандай шаклда бўлмасин ва қандай баҳона блан ўтказилмасин қайтадан қуроллантирилишига қаршилик кўрсатишга чақиради. Бюро халқларни Қўшма Штатлар, Совет Иттифоқи, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларига музокараларни тезлик блан яна бошлаттириб юборишга чақиради.

Ҳукуматларнинг ҳеҳбири музокаларнинг ўтказилишига халақит берадиган ҳаракатлар қилиб ёки дастлабки шартлар қўйиб, шу музокаралар учун ғов солмаслиги лозим.

Германия проблемаси манфаатдор давлатларнинг ҳарқайсиси учун ва немис халқининг ўзи учун мақбул равишда тинч йўл блан ҳал этилиши лозим. Германия проблемасининг бу тариқа ҳал этилиши Германиянинг парчаланганлигига хотима бериши лозим, Германиянинг қўшиларидан биронтасига қарши ундан тахдид солиш қуроли сифатида фойдаланилишига йўл қўймаслиги ва шу блан бир вақтда Европа хавфсизлигини ташкил қилиш учун имконият бериши лозим.

Ҳарбий коалициялар тузиш йўли блан бир-бирига қарама-қарши туручи блокларга парчаланган дунёда хавфсизлик таʻминланиши мумкин эмас. Хавфсизлик бўлиши учун ҳамма давлатларнинг сиёсий ёки ижтимоий тузумидан қатʻий назар, уларнинг тинч, тотув бўлиб яшашлари, ҳамма давлатлар ўртасида ҳамкорлик бўлиши ҳамда ёппасига қуролсизланиш ва одамларни кўплаб қирадиган қуролларни тақиқлаш ҳақида битимлар бўлиши зарур.

Тинчлик кучларининг ҳаммасини мана шу улуғ вазифалар атрофида бирлаштирмоқ учун Жаҳон Тинчлик Кенгашининг бюроси 1954 йил 18 ноябрьда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг сессиясини чақиришга қарор қилди. Бюро сессия кун тартибига қуйидаги масалаларни киритишни ва муҳокама этишни таклиф қилади:

1. Европадаги ҳамма давлатларнинг умумий хавфсизлигини ташкил қилиш соҳасида уларнинг ҳамкорлик қилиши.

2. Чет давлатларнинг тазйиқи ҳамда блоклар ва ҳарбий коалициялар системаси вужудга келтирилганлиги натижасида Осиёнинг турли қисмларида рўй берган аҳвол.

3. Латин Америкасидаги давлатларнинг ички ишларига чет давлатларнинг аралашганлиги натижасида Латин Америкасида рўй берган аҳвол.

4. Тинчлик кучларининг қуролсизланиш учун ва одамларни кўплаб қирадиган қуроллари тақиқлаш учун кураши.

5. 1955 йилнинг биринчи ярмида ҳамма мамлакатларда тинчлик кучлари вакилларининг ассамблеясини чақиришга тайёргарлик кўриш.

Халқ вакиллари умумхитой мажлисининг биринчи сессияси

16 сентябрьдаги мажлис

ПЕКИН, 16 сентябрь. (ТАСС). Бутун хитой халқининг эʻтибори ҳозир халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг биринчи сессияси икки кундан буён ўз ишларини давом этдираётган Пекинга қаратилган. Икки кундан бери пойтахтдаги давлат муассасаларининг бинолари устида ХХРнинг беш юлдузли қизил байроқлари ҳилпираб турипти. Хитой меҳнаткашлари халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг чақирилишини катта миллий байрамдек нишонламоқдалар.

Бугунги мажлис президиумида Сун Цзян-лин, Чэнь И, Ма Сю-лунь, Лай Жоюй, Далай-лама ва бошқа депутатлар ўлтиришитилар.

Чэнь И таклифи бўйича депутатлар мандат ва редакцион комиссияларини яқдиллик блан сайлайдилар. Лю Шао-цининг «ХХР конституциясининг проекти тўғрисида»ги доклади юзасидан музокараларда депутат Линь Бо-цзюй сўзлади. Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг чақирилиши ва улар томонидан ХХР конституциясининг қабул қилиниши, деди Линь Бо-цзюй, бутун мамлакатимиз учун, бутун халқ учун ғоят катта шодликдир. Бу конституция — хитой халқининг ўз озодлиги учун узоқ вақт ва астойдил олиб борган курашининг натижасидир, конституция халқнинг туб манфаатларини ифодалайди, унинг ёруғ келажак, социализмга бўлган қатʻий интилишини ифодалайди.

Бизнинг конституциямиз, дейди Линь Бо-цзюй, раҳбарларимизнинг ва халқимизнинг тажрибаларини ўзида умумлаштиради, хитой тажрибасини Совет иттифоқи ва бошқа халқ демократияси мамлакатларининг тажрибаси блан боғлайди.

Ли Цзи-шэнь, Чэнь И, Чжан Лань, Линь Фин, қишлоқ хўжалик кооперативининг аʻзоси Хань Энь, врач Сяо Луньюй, инженер-гидротехник Юй Кай-цюань ва бошқа депутатлар конституция проектини қувватлаш тўғрисида баланд руҳ блан гапирдилар.

Депутат — қаҳрамон Халқ-озодлик армиясининг вакили Чжоу Вэнь-юэян, шунингдек бошқа депутатлар хитой халқининг Тайваньни озод қилишга ва ўз ватандошларини сотқин Чан Кай-ши тўдасининг зулмидан халос қилишга қатʻий қарор берганлигини изҳор қилдилар.

Бугунги мажлисда 30 депутат сўзлади.

Эртага Лю Шао-ци доклади юзасидан бўлаётган музокаралар давом этади.

Хитойда маданиятнинг юксалиши

ПЕКИН, 16 сентябрь. (ТАСС). Хитойда халқ-демократик тузуми ўрнатилганидан бери ўтган беш йил даврида хитой халқи турмушнинг ҳамма соҳаларида, шу жумладан маданият соҳасида ҳам катта ютуқларга эришди. Маданият ва билим бой синфларнинг имтиёзидан бутун халқнинг мулкига айланди. Халқ оммаси ўртасида билим олишга интилиш мислсиз даражада ўсди.

Хитой мактаблари ва институтларининг синфлари, аудиториялари ва лекция залларига йил сайин кўпроқ ўқучи ёшлар келмоқда. 1953 йилда мамлакатнинг барча ўқув юртларидаги ўқучиларнинг умумий сони 1949 йилдагига нисбатан 115 процент, шу жумладан олий ўқув юртларидаги ўқучиларнинг сони 85 процент, ўрта мактабларда 136 процент ва бошланғич мактабларда 111 процент кўпайди. Ўқучилар орасида ишчи ва деҳқон болаларининг проценти анча ортди.

Эндиликда бутун мамлакатда саводсизликни тугатиш ҳаракати кенг авж олмоқда. 1953 йилда бутун Хитойда саводсизликни тугатиш юзасидан ҳархил мактаб ва курсларда 21 миллиондан кўпроқ киши ўқиди. Ишчиларнинг кечки мактабларида уч миллиондан кўпроқ ишчи ва хизматчилар ишлабчиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқидилар.

1953 йилда 748 миллион нусхадан кўпроқ ҳархил китоблар ва дарсликлар, шу жумладан Хитойда яшовчи майда миллатларнинг тилларида китоб ва дарсликлар нашр этилди. Бу эса 1950 йилдагига нисбатан таҳминан 2,5 баравар кўпроқдир. Театр ва кино, клублар, маданият саройлари, кутубхона ва қироатхоналарнинг тармоқлари кенгаймоқда. Ҳозирги вақтда Хитойда кинотеатрлар ва театрлар сони гоминданчилар режимидагига қараганда икки марта ортди.

Халқ ҳокимияти йилларида халқ соғлиғини сақлаш анча ривожланди. Соғлиқни сақлаш министрлиги системасидаги давлат клиникалари ва касалхоналарида ўринларнинг сони 1953 йилда 1950 йилдагига нисбатан 165 процент кўпайди. Медицина ходимларининг сони кейинги йилларда 8,5 баравар ортди.

«ОЛИЙ МАКТАБЛАР ПРОФЕССОРЛАРИ ВА ЎҚИТУЧИЛАРИ БИРЛАШМАСИ»НИНГ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВЕНА, 15 сентябрь (ТАСС). Венада 9 сентябрьдан 14 сентябрьгача «Олий мактаб профессорлари ва ўқитучилари бирлашмаси»нинг 8-нчи конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияга СССР олимлари — профессор Г. Д. Вовченко, Г. Б. Петросян ва А. М. Игнат биринчи марта кузатучилар сифатида қатнашдилар.

Бирқанча капиталистик мамлакатларнинг олимлари музокараларда сўзлаб, профессорлар, ўқитучилар ва студентларнинг моддий аҳволи оғир эканлигини қайд этдилар, асбоб-ускуналар, илмий лабораториялар ва ҳоказоларнинг йўқлиги ҳамда етишмаслиги тўғрисида гапирдилар.

Сўзга чиққанлардан кўп киши турли мамлакатларнинг олимлари блан алоқани кучайтириш, олимларнинг асарларини айрибошлашни кучайтиришни талаб қилдилар.

Япония вакили атом ва водород қуролларининг қўлланилишига қарши гапирди ва атом қувватидан фақат тинч мақсадларда фойдаланишни талаб қилди.

Конференцияда ранслик қилган Милан католик университетининг профессори Вито совет олимларига муҳокама қилинаётган масалалар бўйича ўз фикрларини билдиришлари учун турли йўллар блан халақит беришга урилди. Аммо делегатларнинг қаттиқ туриб талаб қилиши натижасида совет олимларига конференцияда сўзлаш имконияти берилди. Улар Совет Иттифоқида олий маʻлумотнинг халқчил ва демократик характери тўғрисида, ўқиш ва фаннинг жуда турли-туман соҳаларида илмий текшириш ишлари олиб бориш учун қулай шароит яратилганлиги ҳақида, совет фанининг турмуш блан мустаҳкам алоқаси тўғрисида, совет олимларининг чет мамлакатлар олимлари блан алоқасини кенгайтириш ҳақида батафсил гапирдилар. Совет олимлари конференция қатнашчиларини халқаро илмий алоқаларни кенгайтиришга чақирдилар.

Профессорлар Вовченко, Петросян ва Игнатнинг сўзи зўр қизиқиш блан тингланди ва конференция қатнашчиларининг кўпчилиги томонидан қизғин кутиб олинди. Конференция тамом бўлганидан кейин делегатлар ўзларига совет вакиллари сўзлаган нутқларининг текстлар берилишини илтимос қилдилар.

ЯПОНИЯ РЕДАКЦИЯСИНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

ШАНХАЙ, 16 сентябрь. (ТАСС). Токио радиосининг билдиришича, Япония ҳукумати министрлар кабинети ҳузурида «Антидемократик фаолиятга қарши курашучи кенгаш» деб аталадиган кенгаш тузиш ҳақида қарор қабул қилган.

Юстиция министри Охара кенгаш составига тергов бошқармасининг, полиция бошқармасининг ва бошқа ҳукумат органларининг вакиллари киражагини айтган. Радиодан берилган хабарга кўра, амалда бу кенгаш прогрессив ташкилотларга қарши курашиш учун тузилмоқда ва япон халқининг озодлик ҳамда мустақиллик йўлидаги ҳаракатига халақит беришга қаратилган тегишли қонун чораларини ишлаб чиқиши лозим.

ГОМИНДАНЧИЛАРНИНГ ТАЙВАНЬДАГИ ТЕРРОРИ

ПЕКИН, 16 сентябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Фучжоудан хабар беради:

Тайваньдан қочиб кетаолган шахслар Чан Кай-ши тўдасининг бу оролни ғоят катта қамоқ лагерига айлантирганлигини гапириб бердилар.

Маданият ходими Су Пэй «Фуцзяньжибао» газетасида босилган мақоласида оролдаги тюрьмаларнинг кишилар блан тўлиб кетганлигини ёзади, чанкайшичи бандитлар янгидан келтирилаётган махбуслар учун биноларни бўшатиш мақсадида тюрьмаларда қамалиб ётган ва ҳеч гуноҳи бўлмаган кишиларни ялпи равишда ўлдирмоқдалар. Су Пэй қамалган Тайбэйдаги Нэйху қамоқ лагерида 30 дан ортиқ махбус 6Х3 метр ҳажмдаги тюрьма камераларига қамаб қўйилган. Қамоқнинг даҳшатли ёмон шароити натижасида махбуслар ўртасида касалликлар тарқалган. Махбуслардан каторга ишларида фойдаланмоқдалар. Бу даҳшатли шароитга бардош беролмаган махбусларга жуда қаттиқ азоб бермоқдалар.

Тайваньдаги педагогика колледжнинг собиқ студенти Чень Пэй айтдики, чанкайшичи бандитлар махбуслардан ўзларини қизиқтираётган маʻлумотларни олиш учун уларни қаттиқ азобламоқдалар.

Оролдаги шаҳар ва қишлоқлар полиция агентлари блан тўлдириб юборилган. Рўйхатга олиш баҳонаси блан кишилар ялпи равишда қамоққа олинмоқда. Баʻзи вақтлари Чанкайшичилар 4—5 минг кишини бирйўла қамоққа олмоқдалар.

Тайвань аҳолиси ваҳшиёна террорга қарамай, курашни давом этдирмоқда. Телеграф уступларида «сотқин Чан Кай-ши йўқолсин!», «Америкалилар, тайваньдан жўнаб қолинг!» деган сўзлар ёзилган плакатлар доимо пайдо бўлмоқда.

ИЗМИРДАГИ ХАЛҚАРО ЯРМАРКАДА

ИСТАМБУЛ, 16 сентябрь. (ТАСС). Истамбул газеталари Измирда очилган халқаро ярмарканинг катта муваффақиятқозонаётганлиги тўғрисида хабар қилмоқдалар. Ярмаркада 17 давлат, шу жумладан Совет Иттифоқи, Англия, Франция, Ғарбий Германия, Голландия, Италия, Греция, Польша, Венгрия ва бошқа мамлакатлар қатнашмоқда.

«Ярмарка, — деб ёзади» «яʻни Истамбул» газетаси, — кун сайин кўпроқ қизиқиш туғдирмоқда. Ярмарка очилган кундан буён, яʻни 20 августдан 14 сентябрьгача ярмаркани 1.332.200 киши келиб кўрди».

Совет павильони бу ерга келучиларнинг эʻтиборини айниқса кўп жалб қилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Туркия экономикасида биринчи даражали роль ўйнайди. Мамлакат аҳолисининг 80 процентдан ортиқ қисми қишлоқ хўжалик ишлари блан шуғулланади. Ана шу сабабли ярмаркага келучилар, айниқса деҳқонлар совет қишлоқ хўжалик машиналарини ғоят қизиқиб тамоша қилмоқдалар. Тамаки кўчати ўтқазиш машинаси айниқса эʻтиборга сазовор бўлмоқда. Тамаки Туркия экспортининг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Чехословакия меҳнаткашлари учун янги шаҳар ва посёлкалар

ПРАГА, 16 сентябрь. (ТАСС). Чехословакия республикасининг йирик саноат марказларида меҳнаткашлар учун янги шаҳар ва посёлкалар қурилмоқда. Шахтерларнинг Гандлова (Словакия) қишлоқ поселкаси ўрнида обод уй-жойлари, кенг кўчалари, боғ ва парклари бўлган янги шаҳар вужудга келмоқда. Халқ-демократик ҳокимияти сўнгги беш йил ичида Гандловада шахтёрларнинг оилалари учун беш юздан кўпроқ квартира қуриб берди. Шаҳар маркази тамомила ўзгарди, унда миллий театр, универмаг ва бошқа муассасалар учун чиройлик бинолар қурилди. Урушдан илгари шаҳарда атиги бирнеча бошланғич мактаб бор эди. Эндиликда бу ерда тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар, техникумлар, кон билим юртлари очилди.

Бу йил Гандловада шахтёрлар учун яна 238 та квартира қурилади. Келгуси йилда 3.500 ўринли маданият уйи, спорт стадиони, болалар маданият ва истироҳат парки ва унда чўмиладиган бассейни бўлган маданият уйи қурилабошланади.

Чехословакия металлургия саноатининг маркази бўлган Остравада кончиларнинг кўпгина янги шаҳар ва посёлкалари қурилаётир. Илгариги кичкина қишлоқ жойида қурилаётган Поруба шаҳри ана шундай янги шаҳарлардан биридир. Бу ердаги янги уйларга ҳозирдаёқ мингларча кончилар, металлургларва Остравадаги саноат корхоналарининг бошқа ходимлари ўз оилалари блан кўчиб чиқдилар.



Тошкент. Тўқимачиларнинг Маданият саройи. (ЎзТАГ фотохроникаси).

„Полярная звезда“ колхозида

«Полярная звезда» колхозининг правленеси ва бошлангич партия ташкилоти қишлоқ хўжалик экинларининг барча турларидан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашаётган ва бу соҳада яхши натижаларга эришаётган колхозчилар, механизаторларнинг моддий-маиший аҳволини янада яхшилаш, маданий дам олишларини намунали уюштириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Колхозда жуда ғўзал ва ҳашаматли клуб бор. Бу клубда турли темаларда тез-тез лекциялар уюштириб турилади. Яқинда бу ерда педагогика фанлари кандидати Н. Архангельский «Ёш авлодни тарбиялашда оила ва мактабнинг вазифаси» деган темада лекция ўқиди. Лекциядан сўнг колхозчилар лекторга бола тарбиясида ўзларини қизиқтирган қатор масалалар бўйича бирқанча суроқлар бердилар ва маиший темаларда кўпроқ лекциялар уюштириш зарурлиги ҳақида ўз истакларини билдирдилар.

Сўнгги вақтларда Тошкент областининг колхозлари ва МТСларида, қишлоқ ва шаҳарлардаги саноат корхоналарида маиший темаларда лекциялар ўқиш анча кучайтирилди. Чирчиқ шаҳридаги қатор корхоналарда «Совет кишисининг маданияти ва хулқи ҳақида» деган темада лекция уюштирилди. Лекцияни педагогика фанлари кандидати ўртоқ В. Кочаров ўқиди. Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг аспиранти ўртоқ Р. Аренберг томонидан «Алкоголизм — ўтмишнинг зарарли сарқитидир» темасида Алимкент пахта заводида ўқилган лекцияни завод ишчилари ва хизматчилари эўр қизиқиш блан тингладилар.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

Шаҳар кутубхонасида

Оҳангарон шаҳар кутубхонасида меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Кутубхонанинг 22 минг томлик китоб фонди ва 2 ярим мингдан ортиқ доимий китобхони бор. Бу ерда системали равишда китобхонлар конференцияси ва тематик адабий кечалар ўтказиб турилади. Ўтган 8 ой мобайнида шаҳар кутубхонаси 8 марта китобхонлар конференцияси ва 4 марта адабий кеча ўтказди.

Кутубхона коллективи бундай оммавий тадбирларни амалга оширишга олдиндан катта тайёргарлик кўради. Яқинда ёзучи В. Собконинг «Тинчлик гарови» романи юзасидан китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияга бирярим ой тайёргарлик кўрилди. Натижада конференцияга китобхонлар актив иштирок этдилар. Роман юзасидан 16 киши сўзга чиқди. Шунингдек, украин ёзучиси Н. Рибакнинг «Переяслав Радаси» романи юзасидан ўтказилган адабий конференция ва улуғ рус ёзучиси А. П. Чехов ижодига бағишланган адабий кеча ҳам қизиқарли ўтди.

Шаҳар кутубхонаси марксизм-ленинизм асосларини ўрганчиларга яқиндан ёрдам бермоқда. Кутубхонада катта китоб виставкаси ташкил этилди ва КПСС тарихининг ҳарбир боби бўйича тавсия этилган адабиётлар рўйхати осиб қўйилди. Кутубхона ходимлари Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин асарлари учун анатация каталоглари тузиб чиқдилар. Бу анатацияларда ҳарбир асарнинг қисқача мазмуни ёзиб қўйилган.

А. БРОНШТЕЙН.

Ишчилар экскурсияга бормоқдалар

«Средазхиммаш» заводи касаба союз ташкилоти корхона ишчи, инженер-техник ходимларининг маданий дам олишларини яхши уюштирмоқда. Завод ишчилари ҳар дам олиш куни турли ҳушманзара жойларга экскурсияга борадилар.

Ўтган дам олиш куни 25 ишчи «Октябрь X йиллиги» дам олиш уйига келиб, маданий дам олиб кетдилар. Булар орасида кекса темирчи Шавкун, фрезерчи Мамедова ва хизматчи Шкарчаленко ўртоқлар бор.

Дам олиш уйининг раҳбарлари томонидан бу ерда таклиф этилган бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг аʻзолари Чирчиқ машинасозларига катта концерт қўйиб бердилар.

Л. ШАМИС.

Қисқа сатрларда

* Қуйичирчиқ район Кетмонтепа қишлоқ советининг территориясида жут-каноп заводи қурилмоқда. Завод қурилишида ишлаётган ишчи, хизматчилар учун 50 та стандарт уй-жой, буфет, чойхона, магазин, ҳаммом бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек Сталин посёлкаси территориясида ҳам 24 та стандарт уй, 4 та барак ва гараж қурилди.

Т. Сулаймонов.

* Тошкент молия-иқтисод институтида лекция пропагандаси яхши йўлга қўйилди. Яқинда доцентлардан Шинген ва Аминов ўртоқлар «Студентлар китоб устида қандай ишлашлари керак» деган темада лекция ўқидилар. Доцент А. Азатян томонидан «Халқаро аҳвол» темасида ўқилган лекция қизиқарли бўлди. Лекцияларга мингдан ортиқ студент қатнашди.

Т. Азизов.

* Верхне-волинск район Сталинобод қишлоқ советидаги Андреев номли колхознинг 20 аʻзоси учун уй-жой қуриб берилди. Бу йил колхозда қурилиши керак бўлган обʻектларга ва ободончилик ишларига 400 минг сўм маблағ сарфланди.

А. Набиҳўжаев.

* Киров районидаги 135-нчи мактаб атрофига асфальт ётқизилди. Мактабни катта кўча блан туташтиручи тротуарлар ҳам асфальтлаштирилди.

А. Мирзакобилов.

* Чирчиқ шаҳар саноат корхоналарининг меҳнаткашлари давлат ёрдами блан ўзларига уй-жой қуриб олмоқдалар. Бўзсув посёлкасининг территориясида 40 дан ортиқ ишчи уй қуриб олди.

Т. Ўрунов.

* Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган лекторий яхши ишламоқда. Яқинда бу ерда лектор ўртоқ Иноғамов томонидан «СССР халқларининг бузулмас дўстлиги ҳақида» темасида ўқилган лекцияга юзларча киши қатнашди.

А. Абдумажидов.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/IX да **Отелло**, 19/IX да кундуз **Бой ила хизматчи**, кечқурун **Бир севги афсонаси**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 18 ва 19/IX да кечқурун **Фарҳод ва Ширин**, 19/IX да кундуз **Полтавали Наталка**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 18/IX да кечқурун, 19/IX да кундуз ва кечқурун, 20/IX да кечқурун ЦДКЖ (Темирйўлчилар Марказий Маданият уйи) **Москва ашула ва рақс ансамблининг гастрольлари**. Билетлар сотилмоқда.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кундуз), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз) — **Ўнучлар**.

«РОДИНА» (кечқурун), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун) — **Алданган умидлар**.

«ИСКРА» — кундуз соат 4-20 минутда **Африка** (иккала серия).

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 10 да **Соррентога қайтиб кел**.

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да **Пўлат солдат**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кечқурун **Егор Буличов**.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ХИВА», ТЕЛЬМАН номли — **Алданган умидлар**.

НАВОИЙ номли — **Лўлиларнинг сўнгги чайласи**.

«ВАТАН», «ИСКРА» — **Ўнучлар**.

«9-НЧИ МАЙ» — **Разведкачининг жасорати**.

«УДАРНИК» — **Кубань казаклари**.

М. Горький номли паркда
(ёзги театр)
18, 19 сентябрьда
Ўзбекистон ССР халқ артисти,
Сталин мукофоти лауреати
ТАМАРАХОНИМ
КОНЦЕРТЛАРИ
(ансамбли блан)
Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Коллектив заявкалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Тез кунда
1954/55 ЙИЛ ҚИШКИ
МАВСУМИ
ОЧИЛАДИ

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 оркали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санʻат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Эʻлонлар бўлими — 38142

Р. 08048. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1469.